

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хукукида

Мамажонова Ойгул Сирожитдиновна

«Мактаб ўқувчи қизларининг жисмоний ривожланиш ҳусусиятлари»

Ихтисослиги: 5А 420105-Одам ва хайвонлар физиологияси

Магистр даражасини олиш учун

Андижон-2010

# МУНДАРИЖА

	бет
<b>Кириш .....</b>	<b>2</b>
<b>I.БОБ. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш хусусиятларининг умумий қонуниятлари.....</b>	<b>6</b>
I.1. Таянч ҳаракатланиш аппаратининг ёш хусусиятлари.....	10
I.2. Юрак-томир системасининг ёш хусусиятлари.....	15
I.3. Нафас-олиш системасининг ёш хусусиятлари.....	22
I.4. Нейро-эндокрин тизими ривожланишининг ёш хусусиятлари.....	33
<b>II.БОБ. Иш бажариш жараёнида қўлланилган усуллар.....</b>	<b>42</b>
II.1. Соматометрик кузатишлар.....	42
II.1.1. Бўй узунлигини ўлчаш.....	42
II.1.2. Тана огирилигини ўлчаш.....	43
II.1.3. Кўкрак қафаси айланасини ўлчаш.....	43
II.2. Физиометрик кузатишлар.....	43
II.2.1. Ўпканинг тириклик сифимини ўлчаш.....	43
II.2.2. Артериал қон босимини ўлчаш.....	44
II.2.3. Юрак қисқаришлар частотаси (пульс) ни аниқлаш.....	44
II.3.Бажарилган ишнинг ҳажми.....	45
<b>III. БОБ. Олинган натижалар тахлили.....</b>	<b>47</b>
<b>IV. БОБ. Олинган натижаларнинг муҳокамаси.....</b>	<b>65</b>
<b>V. БОБ. Хуносалар.....</b>	<b>73</b>
<b>VI. БОБ. Адабиётлар.....</b>	<b>74</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарбилиги:** Жисмоний ривожланиш ўсиб келаётган организм соғлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, организмнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларини ифодаловчи, унинг морфологик ва функционал хоссаларининг йифиндиси ҳисобланади. Жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари жинсга боғлиқ равишда фарқ қилинади. Болаликнинг турли даврларида бола организмидаги тўқима ва органларнинг ўсиши ривожланиши функцияларининг бошқарилиши бир хил бўлмайди. Лекин организмдаги барча тўқима ва органлар бир-бири билан чамбарчас боғланган, алоқадор холда иш бажаради. Болаларнинг жисмоний ривожланиши биологик қонунларга буйсунган холда ижтимоий шароитларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун уларнинг соғлом ривожланишида улар бажараётган аклий ва жисмоний меҳнат фаолияти ҳам муҳум аҳамиятга эга. Бола организмнинг ўсиши, ривожланиши, функцияларининг бошқарилиши гетерохроник усулда амалга ошиб, асосий ўсиш ва ривожланиш жараёни кичик, ўрта, юқори мактаб ёши даврларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизларнинг жисмоний ўсиш, ривожланиш ҳусусиятларини боскичма-боскич ўзгариб бориш динамикасини чуқурроқ ўрганиш, шаклланиб келаётган бўлажак она организмнинг қай даражада соғломлигига баҳо бериш имқонини беради, чунки ҳар бир ўқувчи қиз бўлажак она ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидан бошлаб ўсиб келаётган қизларнинг саломатлигига этибор бериш, келгусида соғлом авлод яратишга замин яратади. Соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Соғ тандагина соғлом ақл ривожланади, шунинг учун юртимизда «Соғлом-она, соғлом-авлод, соғлом-келажак» шиори остида қўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол қилиб, ҳалк соғлигини айникса ёшларнинг соғлигини саклаш ва ортириш максадида «Соғлом авлод» давлат дастури қабул қилинди. 2000 йил «Соғлом авлод» йили, 2001 йил «Оналар ва болалар» йили, 2008 йил «Ёшлар» йили, 2010 йил «Баркамол авлод» йили деб эълон қилинганлиги ва давлатимиз президенти томонидан 2009 йил 13 апрелда «Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» хамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорларини келтириш мумукин.

Шу қаторда 1997-йил 27-август куни «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу муҳим давлат хужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш моделининг механизмини асослаб, уни амалга оширишнинг хукукий-меъёрий асосини ташкил қиласди. Кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириб бориш оркали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган

шахс, юқори малакали кадр етиштирилади. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Улугбек», «Республика болалар фондига», «Соғлом авлод учун», «Истеъдод», «Камолот» жамгармаларининг ташкил этилиши соғлом ва маънавий етук ёшларни тарбиялашни кафолатлайди.

**Ишнинг максади:** Мактаб ўқувчи қизларининг жисмоний ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини босқичма-босқич ўзгариб бориш динамикасини ўрганиш орқали уларни қанчалик даражада соғлом ўсаётганлигига баҳо бериш:

Бунинг учун кичик, ўрта, юқори синф ўқувчи қизларининг жисмоний ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини кузатиш, уларни босқичма-босқич ўзгариб бориш динамикасини аниқлаш.

**Кузатишлилар олдига қўйилган вазифалар:**

1. Турли ёшдаги мактаб ўқувчи қизларининг жисмоний ривожланиш динамикасини аниқлаш.
2. Турли ёшдаги мактаб ўқувчи қизларида юрак қон-томир, нафас олиш тизимининг ёш хусусиятларини ўрганиш.

**Ишнинг илмий янгилиги:**

1. Андижон вилояти Избоскан туман Пойтуғ шаҳрида яшовчи турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизларининг жисмоний ривожланиш ҳусусиятлари аниқланади.
2. Кичик, ўрта, юқори мактаб ёшидаги ўқувчи қизларининг жисмоний ривожланишини ёшга хос ҳусусиятлари аниқланади.

**Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти:**

1. Кузатишлиларда олинган натижалар Избоскан туман, Пойтуғ шаҳрида яшовчи турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизлаларнинг жисмоний ривожланиши, юрак қон томир ва нафас олиш системаларининг ёш ҳусусиятлари ҳақидаги билимларини кенгайтиради.
2. Сомотометрик кузатишлилар индивидуал жисмоний ривожланишни баҳолаш ва уни кузатишга қаратилган профилактик чораларни ишлаб чиқаришга ёрдам беради.
3. Олинган натижалар турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизларнинг жисмоний ривожланишини белгиловчи норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқариш учун қўлланиши мумкин.
4. Турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизларнинг юрак - қон томири ва нафас олиш системаларининг физиологик ҳолатини ўрганиш жисмоний тарбия дарсларида бериладиган юкламаларнинг миқдорини аниқлашга ёрдам беради.
5. Олинган натижалар биология ва тиббий факултетларда ўқув жараёнларида «Ёш физиология» си фанини ўқитиш жараённада қўлланилиши мумкин.

**Химояга қүйидагилар олиб чиқилмоқда:**

1. Турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизларда кичик мактаб ёши давридан, юқори мактаб ёши даврига томон, бўй узунлиги ва тана массаси босқичма-босқич ортиши кузатилди.
2. Турли мактаб ёшидаги ўқувчи қизларда кичик мактаб ёшида юрак уришлар сони юқори бўлиб, ўрта ва юқори мактаб ёши даврларига келиб пасаяди.
3. Артериал босим кўрсаткичлари кичик мактаб ёшидаги қизларда паст, ўрта ва юқори мактаб ёши қизларда ортади.
4. Ўпканинг тириклик сиғими кичик мактаб ёшидан, ўрта ва юқори мактаб ёши даврларига томон босқичма-босқич ортади.

## **I БОБ. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш хусусиятлари**

Ўсиш ва ривожланиш барча организмлар учун хос ҳусусият ҳисобланиб, ўсиш тана оғирлиги ва ҳажмининг ундаги ҳужайра ва тўқималарни кўпайиши ҳисобига ошиб боришидир. Ўсиш натижасида организмни ривожланиши ҳам юзага келади. Ривожланиш-организм тузилишининг мураккаблашиши ёки тўқима ва органларнинг марфологик дифференциялашуви бўлиб, ривожланиш туфайли бутун бир организмнинг функциялари ва ҳулк-автори мукаммаллашади. Масалан: Марказий нерв системаси рефлектор фаолиятининг интракортикал алоқаларининг мураккаблашуви ва ривожланиши ҳисобига юрак-томир, ҳазм қилиш, таянч-ҳаракатланиш аппарати системалари ва бошқа системаларнинг такомиллашувини кўрсатиш мумкин. Ривожланиш деганда организмда содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади. Ўсиш бола организмнинг бўйига ва массасига ўсиш билан ифодаланиб, таҳминан ўсмири қизлар учун 16-18 ёшгача, ўғил болалар учун 18-20 ёшгача давом этади. Организмнинг нормал холатда ўсиш ва ривожланиши узвий боғланган бўлиб, ўзаро бир-бирига таъсир қилсада, лекин улар бир вақтда содир бўлмайди ва турли тезликда боради. Чунки бирор орган тўқимаси оғирлигининг ортиши унинг айни вақтда функционал жиҳатдан такомиллашувини билдирамайди. Бу ходиса гетерохрония, яъни ривожланишнинг нотекислиги дейилади. У чақалоқнинг яшаб кетишини таъминлайди, чунки хаётий муҳим системалар бошқа органлардан тезроқ ривожланади. Лекин уларни ривожланишини энг оддий рефлектор реакциялар таминлайди. Бола факат кўкрак сўриши, аксириши, йўталиши, эшитиши, кам даражадаги мускул ҳаракатини қилиши мумкин [15].

Ўсиш ва ривожланиш жараёнига биологик (генетик, наслий) ва ташқи, шунингдек ижтимоий омиллар таъсир даражаси турли хил ёш даврларида бир хил бўлмайди. Организм ривожланишига нисбатан, кисман тана оғирлиги ва узунлиги ўзгаришига (ёш ўзгариб бориши билан) наслий омиллар таъсири кучайиб, марказий нерв системасининг баъзи бир функционал кўрсаткичлари эса камайиб боради. Т.Г. Хамаганова фикрича, тана узунлиги учун муҳитнинг энг яхши таъсир этувчи даври чақалоқлик ва 7-9 ёшгача бўлган давр ҳисобланади, тана оғирлиги учун чақалоқлик ва 4-6, 10-12 ёшгача бўлган давр, электро-энцефалографик кўрсаткичлар учун 10-12 ва 16-21 ёш, вегетатив функциялар учун 4-9 ва 13-15 ёш ҳисобланади. Ёшнинг марфологик ва физиологик кўрсаткичларига асосланиб ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари ўрганиб чиқилади.

**1-қонун.** Ўсиш ва ривожланиш. Бола организми қанча ёш бўлса, унда ўсиш ва ривожланиш жараёни шунча жадал кечади. Болалик даврида асосий марфологик кўрсаткичлар (бўй, тана оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси) нинг маълум микдорда ўсиши

кузатилади. Боланинг бўйи ҳаётининг биринчи йили оҳирида бошланғич даврга нисбатан 47% - 25см ўсади, иккинчи йили биринчисига нисбатан 13% -10см , учунчи йили иккинчи йилига нисбатан 8% га ўсиб боради. 3-7 ёшга кирганда йиллик қўшилиб бориш 7,5 - 5% ни ташкил этади. Яъни 1-3 ёшда болани гавда, бўй узунлиги ва массаси анча ортади. Масалан: 1-йили болани бўйи 25см гача, 2-йили 10-15 см га ўсади. Массаси шунга яраша 1-йили 6-7кг, 2-йили 2-3 кг га ортади. Кейинчалик гавда бўй ўсиши йил сайн 4-5 см гача ортиб боради, массаси 1,5-2 кг га кўпаяди. Жинсий балоғат даврига етгач бўй ўсиши камайиб боради. Тана массасининг энг кўп ортган даври 1 ёшгача бўлган давридир. 4-5 ойлигига тана массаси 2 марта ортади. Кейинги йиллар ичida тана массасининг ортиши камайиб боради ва балоғат ёшига етиш даврида яна кўпаяди. Кўкрак қафаси айланасининг ўзгариши ҳам шундай: бир ёшлигига хар ойда 1см дан кўпайиб бориб, кейинчалик нисбатан камайиб кетади. Бутун етилиш даврида хосил бўладиган таянч-харакат аппаратининг шаклланиши билан боғлик равишда суякланиш ва скелетни ўсиши кузатилади. Ўпка тўқимасининг ривожланиши ҳам болалик даврида кузатилади. Бола ҳаётининг 1-йилида ҳаракат вазифаларини ривожланиши билан боғлик равишда суякланиш ва скелетни ўсиши кузатилади. Ўпка тўқимасининг ривожланиши ҳам болалик даврида кузатилади. Бола ҳаётининг биринчи ярмида бош мия ва орқа мия массаси 350- 400 г гача ўзгариб туради. 1-ёшга тўлганда бош мия массаси 2-2,5 марта, Зёшга тўлганда 3 марта ортиб ўртacha 1000 г ни ташкил килади. 7 ёшлигига 1250 г га етади. Катта одамда 1400 г га teng. 7-ёшдан бошлаб мия массасини ортиши камайиб боради. Миячадан ташқари пўстлокнинг нерв ҳужайралари кўпаймайди, лекин ҳажми бўйича катталашади ва гисталогик тузилиши ўзгаради. Бола 1 ёшга тўлганида сигнал системаси ривожланади. Икки ва уч ёшдан бошлаб бола учун сўз ташқи муҳит билан алоқа қилишнинг ягона манбаи бўлиб қолади.

**2-қонун.** Ўсиш ва ривожланиш жараёнлари бир маромда кетмайди. Ўсиш ва ривожланиш жараёнларини бир текисда кетмаслиги жадал ўсиш даврининг шаклланиш даврига мос келмаслигига боғлик. Кучли ўсиш даври нисбатан секин кечадиган шаклланиш жараёни билан биргаликда кузатилади, аксинча кучли шаклланиш ўсишни секинлашувини келтириб чиқаради. Ўсиш тезлиги қанча кўп бўлса, моддалар алмашинуви ўзгариши шунча юкори бўлади. Лекин моддалар алмашинуви жадал кечадиган 4-7 ёшгача бўлган болаларда ўсиш суръатида жинсга оид фарқ борлиги аниқланган. Асосий алмашинув кўрсаткичлари 7-9 ёшли қиз болаларда ва 8-10 ёш ўғил болаларда кам ўзгаради ва ўсиш суръати камаяди. Кейин ўсишнинг tengлашуви билан бирга моддалар алмашинув ва жадаллиги бирданига туша бошлайди. 11-12 ёшдан ўсиш жараёни тезлашади. Туғилган вақтдан 2 ёшгача юрак тез ўсади, лекин юракнинг марфологик тузилиши кам ўзгаради. 2ёшдан 6 ёшгача бўлган даврда ўсиш ва ривожланиш камаяди, 7 ёшдан 10 ёшгача юрак сигими ва ҳажми катталашади, нерв аппарати жуда юкори

даражада ривожланади. 11-13 ёшда юракда анчагина ўсиш кузатилади. 11-12 ёшда ҳаракат анализаторининг шакилланиши бошланади. Айни шу вақтга келиб мускул, нерв аппаратининг шаклланиши тугайди. 13-16 ёшда мушак тўқиманинг жадал ўсиши, функционал имкониятларининг кенгайиши кузатилади. Бош ва орқа миянинг массаси ортиши асосан 8-10 ёшда тугайди, лекин нерв системасининг функционал ривожланиши узоқ вақт давом этади. Тананинг алоҳида қисмларини ўсиш суръати ҳам хар хил. Ўсиш жараёнида тана нисбати ўзгаради. Янги туғилган чақалоқнинг боши 1:4, катта одамники 1:8 нисбатни ташкил этади. Бола ўсган сайин оёғи узаяди, ўша даврда оёқ 5 марта, қўл 4 марта, тана 3 марта узаяди. Хар бир ёшга фақат унинг ўзига teng бўлган хар хил аъзо ва тузилмаларнинг нисбий ривожланиш даражаси характерли бўлади. Турли ёш даврларида ўзига хос марфологик, физиологик ва психик жиҳатлар бўлади.

**3-қонун.** Ўсиш ва ривожланиш жараёни кечишида жинсий фарқ кузатилади. Масалан: тананинг асосий ўлчовлари бўй, масса, кўкрак қафаси айланаси янги туғилган ўғил болада қиз болага нисбатан катта бўлади. Бу нисбат жинсий балоғатга етиш даври (пубертат ёши) да ички секреция безларининг тезлашуви ва ўсиш жараёнларининг кучайиши билан кузатилади. Балоғатга етиш даври қиз болаларда 10-12 ёшга етмасдан кузатилади. Шунинг учун 12-13 ёшдаги қиз болалар бўйи, массаси, кўкрак қафаси айланаси билан худди шу ёшдаги ўғил болалардан ўзиди кетади. Ўғил болаларда 13-14 ёшда жинсий етилиш даври бошланади. Бу ўсиш ва ривожланиш қонунлари болалар ва ўсмирларни: мактаб олди даврига бўлган ёш-3 ёшгача, мактаб олди ёши-3-7 ёш, кичик мактаб ёши 7-10 ёш, ўрта мактаб ёши 11-14 ёш, катта мактаб ёши 15-18 ёш гурухларига таълуқли.

Бола организмини ўсиши йил давомида доим бир хил бўлмайди. Масалан: баҳор ва ёз фаслларида ўсиш анча тезлашади. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки ҳар бир организм ўзига хос индивидуал ҳусусиятларига қараб, бўйига ўсади. Тана массасининг тез ортиши эса қиш ва куз фаслига тўғри келади, баҳор ва ёзда секинлашади. Масса ортишини баҳолаш ҳам бўй ўсиши принципига боғлиқ. Бола массаси-бола ёшига нисбатан 3 кг ошиқ бўлса патологик холат ҳисобланади. Ўсиш ва ривожланиш организмда кечадиган анабализм ва катабализм жараёнлари асосида содир бўлиб, ўсаётган организмда анабализм жараёни нисбатан кучли бўлади. Ўсмирлик даври инсонни жисмоний ва маънавий шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу даврда инсоннинг биологик шаклланиши тугаб унинг социал етуклиги бошланади [11].

### I.1. Таянч ҳаракатланиш аппаратининг ёш ҳусусиятлари

Скелет-мускул системаси таянч-ҳаракатланиш аппаратини ташкил қилади, бу аппарат таркибида скелет-мускуллари ва суюклар киради. Скелет тана учун таянч

вазифасини бажаради ва ички органларни механик таъсирлардан сақтайди. Таянч-харакатланиш аппаратининг актив қисми уйғунлашган фаолиятини марказий нерв системаси идора қиладиган скелет мускуллари ташкил қиласи. Бу одамга мураккаб ва турли ҳаракатлар қилиш, фазода вазиятни сақлаб туриш имконини беради. Мускулларни ривожланиши ўз навбатида сүяклар ривожланишига боғлик бўлиб, катта ёшли одамда сүякларнинг массаси: эркакларда тана массанинг 18% ини, аёлларда 17% ини, янги тўғилган чақалоқларда тахминан 14% ини ташкил қиласи.

Одам организмидаги скелет 206 та сүякдан иборат бўлиб, улардан 85 таси жуфт сүяклар, тоғайлар ва боғламлардан тузилган. Скелет гавда, бош скелети, қўл ва оёқ сүякларидан иборат. Сүяклар шакли ва функциясига кўра найсимон, калта, ясси ва хаво сақлайдиган, аралаш сүякларга бўлинади. Сүяк тўқимасида тахминан 50% сув, 16% ёғ, 22% минерал бирикмалар ва 12% органик бирикмалар бўлади. Органик ва анорганик моддаларнинг микдорий нисбати ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкин ва бу сүякларнинг эластиклиги ва мустаҳкамлигини ифодалайди. Органик моддалар микдори қанчалик кўп бўлса, уларнинг эгилувчанлиги ва эластиклиги шунчалик юқори бўлади. Сүяклар ўзаро маҳсус бирикиш жойи-бўғимлар ёрдамида бирикади. Одам организмидаги 230 та бўғим бўлиб, улар скелетнинг ҳаракатланадиган ҳамма жойида бўлади. Эмбрионал даврида сүяклар тоғай тўқимасидан хосил бўлади, баъзилари бириктирувчи тўқимадан тарақкий этади. Булар бирламчи сүяклар дейилади. Сүякланиш жараёни 4 турга бўлинади.

1.Энфемал. 2.Перихондрал. 3.Периостал. 4.Энхондрал сүякланиш.

Турли хил сүякларда сүякланиш муддатлари нисбатан доимий. Уларни кузатиб скелетнинг нормал ривожланиши ҳақида хuloscha чиқариш мумкин. Ички секреция безлари функцияси пасайганда ва айниқса Д витамини етишмагандаги сүякланиш кечикади ва қалқонсимон без, буйрак усти безлари қобигининг функцияси ошганда тезлашади.

Болалар сүягидаги катта одамлар сүягидагига караганда органик моддалар кўпроқ, анорганик моддалар камроқ бўлади. Ёш катталашган сари сүякларнинг кимёвий таркиби ўзгаради, улардаги калций, фосфор, магний ва бошка элементлар микдори анча кўпаяди. Сүяк тўқимаси таркиби ўзгариши билан сүякларнинг физик хоссалари ҳам ўзгаради. Жисмоний машқлар ва меҳнат сүякларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Мускуллар ишининг жадал бориши сүяклар ривожланишига имкон беради ва аксинча, мускуллар ишининг сустлашуви сүяк тўқимасининг атрофияга учрашига олиб келади [17,19].

**Бош скелети:** икки қисмдан мия қисми ва юз қисмидан иборат. Мия қисмидаги бош мия ва сезги органлари, юз қисмидаги юқори нафас йўллари, хид билиш органлари, овқат

ҳазм қилиш системасининг бошланғич бўлимлари жойлашган. Бош системасининг юз қисми сякларининг йиғиндиси юзнинг шаклини ифодалайди. Ўсиш жараёнида унинг шакли ўзгаради. Бола туғилганда сяклари тўла ривожланмаган, ўртасида биритиравчи парда бўлади ва чакалоқнинг бошчасида сяк билан қопланмаган лиқилдоқ бўлади. Бу лиқилдоқлар аста-секин йўқолиб боради ва у 2 ёшга келиб бутунлай битиб кетади, чоклари эса 4 ёшга келиб битади, калла сяги асоси ва катта энса тешиги 7 ёшга келиб катта ёшли одамдаги доимий даражага етади. Олти ёшдан 8 ёшгача ва 13 дан 15 ёшгача бош скелети юз қисмининг тез ўсиши кузатилади ва юз қиёфаси шаклланади, у кейинчалик деярли ўзгармайди.

**Гавда скелети:** умуртқа поғонаси ва кўкрак қафасидан иборат. Умуртқа 33-34 та умуртқалардан ташкил топган. У скелетнинг таянч вазифасини бажаради, унинг ичидаги орқа мияни химоя қиласи ва оёқ-қўллар оғирлигини ўз зиммасига олади. У бешта бўлимдан иборат: бўйин, кўкрак, бел, думгаза, дум. Умуртқа поғонаси ўсиб, ривожланган сари тоғай тўқималари сяк тўқималари билан алмашинади, бу аста-секин борадиган жараён. Бўйин, кўкрак, бел тоғай тўқималари 20 ёшга келиб, думгаза 25 ёшда дум сяклариники 30 ёшга келиб сяякка айланади. Умуртқа поғонаси бола ҳаётининг 1-йилида ва 11 ёшдан 14 ёшгача айниқса тез ўсади. Умуртқа поғонасининг ўсиши таҳминан 20 ёшда тугалланади. Боланинг умуртқа поғонаси унинг эгилувчанлигини таъминлайдиган хусусиятга эга. Шунинг учун оғир жисмоний иш бажариш, тана ҳолатини узоқ вақтгача ўзгартираслик болаларда умуртқа поғонасининг қийшайиб қолишига сабаб бўлади. Ўсмирлик ёшида умуртқа поғонасининг деформацияси билан боғлик бўлган касаллик белгилари ҳам кузатилади. У умуртқа поғонаси кўкрак ёки бел бўлимларининг нормадан ортиқча эгри бўлишида кўринади. Кўкрак қафаси скелетнинг бир қисми бўлиб, кўкрак умуртқалари қовурғалар ва тўш сягининг ягона системага бирикишидан хосил бўлган. 12 жуфт қовурғадан фақат еттитаси тўш сяги билан бириккан 8, 9, 10-жуфтлар 7-тоғай уни билан бириккан, 11 ва 12-жуфтлар эса эркин тугалланади. Бола ўсиш ва ривожланиш жараёнида кўкрак қафасининг шакли ўзгаради. Шу билан бирга кўкрак қафасининг жинсга боғлик-шакли ва ўлчамлари ўзгариши кузатилади. Бу кўкрак қафаси айникса тез ўсадиган балоғатга этиш даврида кўринади. Унинг ўсишига бир қанча омиллар ва тўла қимматли овқатланиш, спорт, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғилланиш, қулай гигиеник шароит таъсир кўрсатади. Нафас олишда ўғил болаларни пастки қовурғалари, қиз болаларни эса юқориги қовурғалари кўтарилади. Кўкрак қафаси айланасида ҳам жинсий фарқ бўлади. Ўғил болаларда 8 ёшдан 10 ёшгача кўкрак қафасининг айланаси бир йилда 1-2 см, 11 ёшдан бошлаб 2-5 см га ортади. 11 яшар ўғил болаларда кўкрак қафасининг ўсиши қиз болаларнига қараганда секинлашади. Бола нокулай шароитда

тарбияланса, жисмоний машқлар билан шуғулланмаса, күкрак қафаси ва мусқуллари яхши ривожланмайды. Бола партада нотұғри ўтирса күкрак қафасининг шакли ўзгаради. Бу юрак қон томирлари ва ўпканинг тұла тұқис ривожланмаслигига сабаб бўлади. Бундан ташқари рахит, ўпка сили каби касалниклар күкрак қафасини ривожланишдан орқада қолишига сабаб бўлади. Доимо нафасни машқ қилдириб борганда күкрак қафас айланаси ортиб боради ва юрак томирлар системаси ривожланиб боради.

**Қўл скелети:** қўл скелети елка камарининг сүяклари (күкрак ва ўмров), эркин қўл сүяклари (елка, билак, тирсак, панжа сүяклари) киради. Янги туғилган болада ўмров сүяги фақат тўш учининг озгина қисми тоғайли қолган қисми сүякли бўлади. Тўш учидаги сүякланиш ядроси 16-18 ёшда хосил бўлади. Кўкрак сүяги 21-25 ёшда, тирсак сүяги 21-24 ёшда сүякланиб боради. Кафт устки сүяклари 13-19 ёшда, кафт сүяклари 12 ёшда, бармоқ сүяклари 9-11 ёшда сүякланиб боради. Қўл панжаси сүякларининг сүякланиш жараёни бирмунча барвакт тугалланади. Янги туғилган болаларда бармоқ фаланглари ва кафт усти тоғай тўқимасидан иборат бўлиб сүякланиш 7 ёшга келиб яққол кўринади ва 16-17 ёшгача давом этади. Қўл сүякларини сүякланиши 20-24 ёшда тугалланади.

**Оёқ скелети:** оёқ скелетига чаноқ камари сүяклари, номсиз сүяклар ва оёқларнинг эркин сүяклари сон, болдир, панжа сүяклари киради. Катта ёшдаги одамда чаноқ думғаза билан бирикиб кетган 2 та чаноқ сүякларидан иборат. Улар олд томондан чов сүяклари билан бирикиб, чаноқдан чиқиши тешигини хосил қиласади. Чаноқ камарини шаклланиши 20-21 ёшда тугайди. Чаноқда кўп ички органлар жойлашади ва чаноқ сүяги уларни механик шикастланишдан химоя қилиб туради. Эркак ва аёллар чаноғи шакллари жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласади. Бу фарқ 12-13 ёшда пайдо бўлади. Узоқ вақт нотұғри ўтириш, тик туриш, оғир юқ ташиш, яхши овқатланмаслик ва бошқа ноқулай шароитлар чаноқ сүгини нотұғри букилишга ва ўсишдан орқада қолишига олиб келади. Оёқнинг эркин сүяклари 20-24 ёшда, оёқ кафт сүяклари 17-21 ёшда аёлларда 13-17 ёшда бутунлай сүякланиб бўлади. Оёқ панжасининг таги гумбаз шаклида бўлиб, тик турганда гавда оғирлиги оёқ панжасини гумбази четларига тушади. Болалар узоқ вақт тик турганда, юрганда, оғир юқ кўтарганда, пошнасиз поябзал кийганда оёқ панжаси гумбази яссиланади. Натижада ясси оёқлик келиб чикади. Ясси оёқ одам узоқ масофага юрганда оёғида оғир юқ сезади. Оёқ панжасини гумбаз шакли, одам юрганда тана туртқиларини енгиллаштиради, нерв системасини силкинишдан саклайди. Қиз болаларда оёқ сүякларининг сүякланиши ўғил болаларга нисбатан бир икки йил тезрок юз беради [11,15].

## **I. 2. Юрак – томир системасининг ёш ҳусусиятлари**

Юрак қон томир системаси-юрак ва томирлардан ташкил топган бўлиб, организмда турли моддаларни етказиб бериш ва хайдаш каби транспорт вазифасини бажаради. У катта ва кичик қон айланиш доираларига бўлинади. Юрак-томир системасида ўзаро боғлиқ бўлган учта бўғин: артерия, вена ва уларни боғлаб турадиган капилляр, яъни микроцирқўляр бўғин бўлади. Юрак томирларни ёпик занжири бўйлаб қоннинг сурилишини таъминлаб турди.

**Юракнинг тузилиши ва функцияси:** юрак-қон айланиш системасининг марказий органидир. У қонни веналардан артерияларга бир меъёрда хайдаб, насос вазифасини бажаради, уни томирлар системасида тўхтовсиз оқиб туришини таъминлайди. Юрак

кўқрак бўшлигининг ўнг ва чап ўпкалар орасида жойлашган. Орқа томондан қизилўнгач ва аорта билан умуртқа поғонасидан ажралиб туради. Пастдан юракка диафрагма тақалиб туради. Юракнинг нормал жойлашуви кўп жиҳатдан одам гавдасининг тузилишига боғлиқ. Озғин одамлар-астеникларда-юрак аксарият вертикал жойлашади, тўла одамлар – гиперстеникларда юрак деярли горизонтал холда ётади. Нормостеникларда юракнинг қия холати устунлик қиласи. Юрак ичи бўш орган бўлиб, клапонлар ва тўсиқ билан тўрт қисмга бўлинган. Уни иккита сермусқул орган: «чап» ва «унг» юрак сифатида аташ мумкин. Буларнинг хар бири бўлмача ва қоринчадан ташкил топган. Иккала юрак мустақил қон айланиш доираларга эга. Бу буйрак-томир системасининг эволюцияси ва ўпка-нафас йўлининг яхши ривожланиши натижаси ҳисобланади [15,16]. Бола организмининг ўсиши ва ривожланиши жараёнида юракнинг хажми ва массаси ҳам ёшга боғлиқ холда ўзгаради.

### **Юракнинг ўртacha ўлчамлари (А.Ф.Листов бўйича)**

Ёш	Кўндаланг диаметри	Узунлиги	Юрак сатхи
<b>Янги туғилган бола</b>	<b>5,3</b>	<b>5,7</b>	<b>15</b>
<b>1 яшар</b>	<b>7,3</b>	<b>7,6</b>	<b>30</b>
<b>6 яшар</b>	<b>8,6</b>	<b>9,1</b>	<b>54</b>
<b>10 яшар</b>	<b>10,0</b>	<b>11,1</b>	<b>74</b>
<b>15-16 яшар</b>	<b>11,9</b>	<b>12,6</b>	<b>102</b>

### **Юракнинг массаси (Кубат бўйича 1965)**

Ёш	Ўғил болаларда	Қиз болаларда
----	----------------	---------------

<b>Янги туғилған бола</b>	<b>17,24</b>	<b>16,4</b>
<b>1-2 яшар</b>	<b>55,6</b>	<b>52,5</b>
<b>5-6 яшар</b>	<b>85,1</b>	<b>82,4</b>
<b>9-10 яшар</b>	<b>111,1</b>	<b>95,8</b>
<b>10-11 яшар</b>	<b>112,4</b>	<b>108,8</b>
<b>11-12 яшар</b>	<b>127,8</b>	<b>125,4</b>
<b>12-13 яшар</b>	<b>134,2</b>	<b>143,0</b>
<b>14-15 яшар</b>	<b>183,6</b>	<b>184,6</b>
<b>15-16 яшар</b>	<b>193,0</b>	<b>190</b>
<b>Катта ёшдаги одам</b>	<b>224,4</b>	

**Эслатма. Аёлларда юракнинг массаси ўрта хисобда тахминан**

**250 г, эркакларда 330 г бўлади.**

Эмбрионал даврда хомила ва она қони ўртасидаги моддалар алмашинуви йўлдош орқали бажарилади. Кон йўларида кислородга тўйинади. Хомилада юрак чап ва ўнг бўлимларига тўлиқ бўлинмайди ва бўлмачалар ўзаро овал тешик орқали туташади, аорта эса ўпка артерияси билан артериал йўл Боталло йўли орқали бирикади. Бола туғилғандан кейин она организми билан алоқаси узилади. Тўғилганидан кейин 1,5-7 ой ўтгач Боталло йўли ва тешик бутунлай битиб кетади, шундан кейин боладаги қон айланиш системаси катта одамдагидек ишлай бошлайди. Бола хаётининг биринчи йилида бўлмачаларнинг ўсиши қоринчаларга нисбатан тезрок бўлади, кейинги даврларда уларнинг ўсиши деярли бир хил тезликда ўтади, 10-ёшдан кейин эса қоринчаларнинг ўсиши тезлиги бўлмалардан юкори бўлиниши кузатилади. [15,30] Юрак мускулининг қатъий тартибда кисқариши унинг таркибидаги атипик толаларида пайдо бўладиган электр импульслар пайдо бўлиши туфайли амалга ошади. Бу толалар юракнинг ўтказувчи системасини ташкил қиласди, унда импульсларнинг пайдо бўлиши ва юрак қисмларига тарқалиши автоматия ходисаси дейилади. Болаларда юрак катталарга нисбатан каттароқ. Унинг массаси тана массасининг 0,63-0,80 % ни ташкил қиласди, катталарда эса бу кўрсаткич 0,48-0,52% га teng. Юракнинг ўсиши 1 ёшгacha анча тез бўлади: 8 ойлик болада юракнинг массаси 8 баробар ўсади, Зёшда Змартагача ошади, 5ёшга келганда 4 марта, 16 ёшда эса 11 марта ортади. Ўғил болаларда дастлабки йилларда юракнинг массаси қизларникига нисбатан юкори бўлади. 12-13 ёшларда қизлар юрагининг тез ўсиши бошланади ва унинг массаси ўғил болаларникига қараганда каттароқ бўлади. 16 ёшга келганда қизларнинг юрак ўсиши секинлашиб, ўғил болаларнинг юрак масасидан камаяди.[15]

**Юрак ишини бошқарилиши:** юрак ишини ташқи мұхиттинг ўзгаришига мосланиши бошқариш механизмлари ёрдамида боради. Бу механизмларнинг бир қисми юракнинг ўзида жойлашган (интракордиал) ва юрак ичидеги бошқарув механизмларини ташкил қылади. Уларга хужайра ичидеги бошқариш механизмы, хужайралараро муносабаттарни бошқариш ва нерв механизмы (юрак ичидеги периферик рефлекслари) киради. Бошқариш механизмынинг 2-қисми юракдан ташқары (экстракордиал) механизмларга киради. Уларни юрак фаолиятини бошқарувчи нерв ва гуморал механизмлар ташкил қылади.

**Хужайра ичидеги бошқариш механизмы:** юрак хужайраларикардиомиоцитларнинг ҳусусиятига боғлиқ, айникса, улардаги модда алмашинуvinинг юрак фаолияти ритмінде қараб ўзгаришга энергияга бой бўлган бирикмалар: АТФ ва гликогеннинг энг тез парчаланиши систола вақтида кузатилади. Бу моддаларнинг тикланиши диастола вақтига тўғри келади. Хужайра ичидеги бошқариш механизмы юрак ишини унга келган қон микдорига мосланишини ҳам таъминлайди. Франк-Старлинг қонунига биноан миокарднинг қисқариш кучи диастола вақтидеги мускул толаларининг бошланғич кенгайишига teng. Хужайралараро муносабаттарни бошқарилиши қўшимча дисклар-нексусларга боғлиқ. Улар ёрдамида керакли моддаларни ташиб, миофибрillарни ўзаро боғланиши, кўзгалишни бир хужайрадан иккинчисига ўтиши таъминланади. Нексусларнинг фаолияти ўзгарганда кўзгалишни ўтказиш, мускул толаларнинг синхрон қисқариш ва юрак ритмининг бузилиши кузатилади. Юрак ичидеги нерв бошқарилиши юракнинг интрамурал ганглияларда жойлашган метасимпатик нерв системаси орқали бажарилади. Бу нерв системаси мустақил рефлектор фаолиятни бажарыш учун керак бўлган ҳамма функционал элементларга эга: афферент ва эфферент нейронлар, ҳамда қўшимча нейронлар. Эфферент нейронларнинг аксонлари миокард ва юрак қон томирининг силлиқ мускулларини иннервация қылади. Метасимпатик нерв системасининг юрак ичидеги периферик рефлекслари организмда химоя ва артериал системанинг доимий равишда қон билан таъминлантириш вазифасини бажаради[19].

**Экстракордиал, юракдан ташқары бошқариш:** механизмы марказий нерв системасининг симпатик нервлари орқали юракка келувчи импульслар ёрдамида бажарилади. Бу нервларнинг марказлари орқа мия ва узунчоқ миянинг бўйин ва кўкрак бўлимларида жойлашган. Улар юрак қисқаришлар кучи ва ритми частотасини бошқаради. Симпатик иннервация ритм тезлануви ва юрак қисқаришлари кучининг ортиши билан ифодаланади, парасимпатик иннервация ритмини пасайтиради. Симпатик ва парасимпатик нервларнинг таъсири биологик актив моддаларнинг ажралишига боғлиқ, уларнинг ёрдамида кўзгалишни ўтказилиши амалга оширилади. Адреналин юрак ишини

тезлаштиради ва симпатик нервга ўхшаш таъсир этади. Ацетилхолин таъсирида калий ионлари учун мембронанинг уtkазувчанлиги ошади ва деполяризация ривожланиши секинлашади норадреналин таъсирида мембрана ўтказувчанлиги кальций ионлари учун юкори бўлиб, миокарднинг қўзғалувчанлиги ва қисқарувчанлиги ошади. Юрак фаолиятини гумарал бошқарилиши ички секреция безларидан қон ва лимфага ажратиладиган биологик актив моддалар ва хужайралараро суюқлигини ион таркиби орқали бажарилади. Гуморал бошқаришда адреналин алоҳида аҳамиятга эга. Бу гормон буйрак усти безларининг мия каватидан қонга эмоционал ва жисмоний юкланишлар таъсирида ва бошқа холатларда ажралади. Юрак фаолиятига ошқозон ости безининг гормони инсулин ҳам таъсир этади, у юрак қисқаришини кучайтиради. Қалқонсимон без гормони тироксин юрак қисқаришлар частотасини оширади ва юракнинг симпатик таъсирларига сезувчанлигини кучайтиради. Буйрак усти бези пўст қисмининг гормонлари кортикостереоидлар, биологик актив полипептид-ангиотензин ва ичак хужайраларининг гормони-серотонин миокарднинг қисқариш кучини оширади [17] .

Юрак мускулининг фаолиятига муҳитнинг ион таркиби ҳам таъсир этади. Демак, интракардиал ва экстракардиал бошқариш нерв механизмлари ўзаро мувофикашган муносабатда бўлади. Юрак ишини бошқарувчи адашган ва симпатик нервларнинг марказлари иккинчи даражали марказлар ҳисобланади. Булардан ташқари гипоталамусда юрак фаолиятига таъсир этувчи марказлар аниқланган. Ўз навбатида, гипоталамус миянинг лимб системаси ва янги пустлоқдан келган импульслар таъсирида юрак-томир системасининг фаолиятини ўзгартиради[17,19]. Юрак инервацияси дастлаб 7-8 ёшда шаклланади, бу симпатик ва парасимпатик нерв системасининг мувозанатлашган таъсирини аста-секин ортиб боришида намоён бўлади[15]. Янги туғилган болада юрак минутига 140 марта уради, кейин аста-секин пасайиб 8-10 ёшларда 90-85 марта тушади ва 15 ёшга етганда катталарнинг кўрсаткичига этади. Катта одамларда тинч холатда хар бир юрак қисқаришида коринчалардан артерияларга 60-80 мл қон чиқарилади, чақалоқларда эса 2,5 мл бўлади. Ҳаётнинг биринчи йилида бу кўрсаткич 4 баробар ошади, 7 ёшда 9 марта, 12ёшда 16,4 марта тушади[31]. Юрак ритмининг динамикасида ҳам ёш хусусиятлари кузатилади: 7 ёшдан 9 ёшгacha юрак ритмига симпатик таъсирлар камаяди.

#### **Болалар юрагининг қисқариш частотаси**

<b>Ёш</b>	<b>Юрак қисқаришлар частотаси</b>
<b>Янги туғилган бола</b>	<b>135-140</b>
<b>6 ойлик бола</b>	<b>130-135</b>
<b>1 ёш</b>	<b>120-125</b>
<b>2 ёш</b>	<b>110-115</b>
<b>3 ёш</b>	<b>105-110</b>
<b>4 ёш</b>	<b>100-105</b>

<b>5 ёш</b>	<b>93-100</b>
<b>6 ёш</b>	<b>90-95</b>
<b>7 ёш</b>	<b>85-90</b>
<b>8 ёш</b>	<b>80-85</b>
<b>9 ёш</b>	<b>80-85</b>
<b>10 ёш</b>	<b>78-85</b>
<b>11 ёш</b>	<b>78-84</b>
<b>12 ёш</b>	<b>75-82</b>
<b>13 ёш</b>	<b>72-80</b>
<b>14 ёш</b>	<b>72-78</b>
<b>15 ёш</b>	<b>70-76</b>

Юрак ритмининг ёш хусусиятлари организмнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнида бошқариш механизмларини шаклланиши билан боғлиқ ва юрак томир системасига холинэргик таъсирларнинг кучайиши билан белгиланади[3]. Ҳозирги вақтда организмнинг табиий холатларга мосланиш хусусиятларини ўрганиш долзарб масалаларга киради. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиявий ишларни ташкил этишда организмнинг табиий, экстермал бўлмаган шароитларга мосланиш механизмларини аниқлаш муҳим социал аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бундай кузатишларни ўтказишида ўсаётган организмнинг ўқиши ва тарбия таркибига мосланиш кийинчилигини ҳам хисобга олиш керак. Болаларнинг ривожланишига қараб танланган жисмоний меҳнат суюк-мускул ва нафас олиш системаларини мустахкамлашидан ташқари юрак томир системасининг нормал фаолиятини шаклланишига ҳам таъсир этади. Айникса тоза ҳавода бажарилган меҳнат қон айланишини яхшилайди ва мускулини мустаҳкамлайди. Мактабда жисмоний тарбияни ташкил қилишда ва спорт билан шуғулланишида, жисмоний юкламалар нормасини белгилашда юрак-томир системасини ёшга қараб ўзгарилишини хисоблаш катта аҳамиятга эга.

**Томирлар системаси ва тузилиши ва функцияси:** қон томирлар системаси улар бўйлаб қон окадиган турли диаметрдаги найсимон эластик мускул тузулмалардан ташкил топган. У аортадан бошланиб, ундан кўп сонли артериялар тарқалади. Натижада қон оқими бир қанча ўзанлар бўйича тақсимланади ва органларга боради. Артериялар кўп марта иккига бўлинади ва диаметри аста-секин кичрайиб бориб, жуда майда артерияларнинг кенг тармоғини-капилярлар тўрини хосил қилади. Капилярларнинг умумий сатҳи  $1000 \text{ кв}^3$  ни ташкил қилади. Капилярлар қўшилиб венулаларни хосил қилади, улар яна бир-бирига қўшилиб, веналарга айланади. Шундай қилиб, томирлар системаси (катта ва кичик қон айланиш доирасидан) юракдан қон билан кетадиган артерияларга ва юракка ҳамда микроциркулятор ўзанга қон қайтиб келадиган веналарга бўлинади. Унга артериолалар, капилярлар, венулалар ва артерия-вена бирикмалари киради. Улар биргаликда ёпиқ қон айланиш системасини таъминлайди. Одамнинг юрак

томирлар системаси катта ва кичик қон айланиш доирасидан иборат. Катта доира бўйича артерия қони чап қоринчадан бошга, гавданинг барча органлари ва тўқималарига боради ва ковак веналар орқали ўнг бўлмачага қайтади. Кичик доирада эса юрак ўнг қоринчасининг вена ўпка артериялари бўйлаб ўпкага боради ва ўпка веналари орқали юракнинг чап бўлмачасига қайтади. Артериа ўзани юқори босим ва нисбатан кўп бўлмаган қон билан вена ўзани эса кўп ҳажмдаги қон ва паст босим (140-мм. сим. уст.) билан ҳаракатланади. Ўртacha босим аортадан то кичик артерияларгача кам (симоб устуни ҳисобида 120-100мм), микроциркулятор ўзандаги эса кўп пасайди (симоб устуни ҳисобида 90-20мм). Юрак томир системаси транспорт функциясини бажаради, яъни озиқ моддаларни истеъмол қилинадиган жойларга ўтказади ва алмашинув маҳсулотларини хосил бўладиган жойидан ажратишгача, газлар, гормонлар, ферментлар, иммун ва бошқа физиологик актив моддалар, иссиқлик энергиясини ташийди, шулар туфайли организм бир бутун холда ишлайди. Микроциркулятор ўзан қон томирлар системасининг функционал жиҳатдан энг муҳим бўлимии ҳисобланади, чунки унинг томирларида қон билан хужайралараро суюқлик ўртасида газлар ва моддалар алмашинуви содир бўлади. Болаларда артериал қон томири бўғимининг диаметри, юрак бўшликлари сиғими билан таққосланганда катталарникидан ортиқ.

### **Ўғил ва қиз болаларнинг қон босими симоб устуни миллиметр ҳисобида.**

**(Н.Кубат бўйича)**

Ёш	Ўғил болаларда				Қиз болаларда			
	Систолик босим	Диас толик босим	Пульс босим	Пульс часто таси	Систолик босим	Диас толик босим	Пульс босим	Пульс часто таси
6	90,24	48,27	41,97	97,01	91,23	49,63	41,60	98,02
9	104,41	61,20	43,21	83,00	103,85	59,80	44,03	84,72
13	112,64	66,40	47,14	85,50	111,75	65,93	45,82	82,20
16	125,30	73,34	51,96	77,10	119,71	69,81	50,90	75,08
17	125,80	73,05	52,75	75,86	120,77	70,21	50,56	74,08

Шунинг ўзи, ҳамда қисқаришнинг юқори ритми қон босими паст бўлганда ва катта тезлиқда томирлар бўйлаб кўп микдорда қон оқиши учун шароит яратади. Ёш улғайган сари томирлар бўшлиғи торайиб боради, бу қон босими кўтарилишига ва қон оқими тезлиги камайишига сабаб бўлади. Бунда систолик босим ҳам, диастолик босим ҳам

ортади, бирок улар ўртасидаги фарқ (пульс босими) орта боради, чунки систолик босим кўпроқ даражада ортади [17] .

Одамда елка артериясида систолик босим 110- 125 мм. сб. уст. га тенг, диастолик босим эса 60-80 мм.смб.уст.ни ташкил қиласди. Болаларда қон босими катталарникига нисбатан паст бўлади. Бола қанчалик ёш бўлса, унда капилляр тизими каттароқ ва томирларнинг умумий кўндаланг кесими кенгроқ бўлади. Масалан: 6 ёшли ўғил болаларда систолик босим 90,24 мм .сб.уст, қизларда 91,23 мм.сб.уст.га тенг бўлса,9 ёшга келиб бу кўрсатқич мос равишда 104,41 ва 103,85 мм.сб.уст.га тенг бўлади. Вояга етиш даврида юракнинг ўсиши қон томирининг ўсишидан тезроқ бўлади, бу қон босимга таъсир этади ва босимнинг ортишига олиб келади. Бу ходиса вақтинча бўлиб, юрак ва қон томирнинг ривожланиши катталарникига етганда йўқолади. Соғлом одамларда қон босими бир хил холатда сақланиб келади. Қон босими мускул фаолияти натижасида ошади, бундай холат турли эмоциялар таъсирида ҳам кузатилади. Янги тўғилган болаларда тўлиқ қон айланиши 12-секундда, 3-ёшда-15 секундда, катта одамда 22 секундда содир бўлади. Қон оқими тезлиги жинсга, ёшга, одамнинг жисмоний юкламаси даражасига, тана ҳарорати доимий бўлишига боғлиқ. Турли хил юкламалар ва омиллар тўқималар ва органларда моддалар алмашинувига таъсир қиласди. Кислород ва моддаларга қўшимча эҳтиёж пайдо бўлади, улар моддалар алмашунувидаги ўзгаришлар ва қон оқимининг қайта тақсимланиши, қон томирлар юзасининг кенгайиши ёки торайиши ёрдамида унинг бир хил органлар ва тўқималарда кучайиши ва бошқаларда камайиши ҳисобига камаяди. Чиниккан одамларда қон оқими тезлиги унинг зарбали хажми, яъни бир марта қисқаришда отиладиган қон микдори кўпайиши ҳисобига тезлашади. Томирлар бўйлаб қон харакати мураккаб бошқариш механизимлар орқали бошқарилади. Бу механизимлар: марказий –артериал босим ва қон айланиши системасини идора қиласди ва маҳаллий-алоҳида орган ва тўқималар орқали ўтувчи қон микдорини идора қиласди. Артериал босимнинг доимийлиги юракдан чиқган қон ва томирларнинг тонусига болик. Томирларнинг силлиқ мускуллари ташқи мухитдан хеч қандай нерв ёки гуморал таъсири бўлмаганда ҳам қисман қисқарган холатда бўлади. Бу холат базал тонуси дейилади. Сабаби, томир деворларининг айрим қисимида ритмик импульслар ишлаб чиқарувчи автоматия учоги борлигидир. Бундан ташқари, томир деворларининг силлиқ мускуллари симпатик толалардан келувчи доимий тоник импульсацияси таъсирида бўлади[17-19]. Симпатик нервларнинг таъсирларнишида артерия ва артериолаларнинг торайиш, парасимпатик нервлар таъсирида томирларнинг кенгайиши кузатилади. Томирларни ҳаракатлантирувчи марказ узунчоқ мияда жойлашган. Бу марказ узунчоқ мияни тўртинчи

коринчасининг тубида бўлиб, икки прессор ва депрессор қисимлардан тузилган. Прессор қисм қитиқланса, томирлар торайиб, артериал босим ошади, иккинчисида эса артериялар кенгайиб, артериал босим пасаяди. Томир торайтирувчи марказдан импульслар вегетатив нерв системаларнинг симпатик марказларига келади. Бу марказлар орка миянинг кўкрак сегментининг ён шоҳларида жойлашган, у ерда томир торайтирувчи марказлар хосил бўлади ва тананинг марказий қисмлардаги томирлар тонусини идора қиласи. Томирлар холатини узунчоқ мия ва орқа миядаги марказлардан ташқари оралиқ мия ва катта ярим шарлардаги марказлар ҳам бошқаради. Томирлар тонуси томирларнинг рефлекслари ва бошқа система ва органлардаги томир рефлекслари орқали бошқарилади. Томирларнинг рефлекслари томирнинг ўзида жойлашган рецепторлардан хосил бўлади. Бу рецепторлар аорта ёйи ва уйқу артерияси ички ва ташқи қисмларга бўлинган жойда бўлади ва томир рефлексоғен зоналарни ташкил қиласи. Томир рефлекслари бу зоналардан ташқари тананинг бошқа қисмларида жойлашган томирларнинг рецепторлари қитиқланишдан ҳам хосил бўлиши мумкин. Масалан: ўпка, ичак, талоқ томирларида босим ошганда бошқа томирларда артериал босим ўзгаради. Механорецепторлардан ташқари қон босимининг бошқарилиши хеморецепторлар орқали ҳам бажарилади. Хеморецепторлар кислород миқдорига сезувчан бўлади ва корбанат ангидрид, ционид, никотин таъсирида ҳам кўзгалади. Хеморецепторлар талоқ, буйрак усти безлари, буйрак, илик томирларида ҳам топилган. Улар қондаги турли моддаларга нисбатан сезувчан бўлади, масалан, ацетилхолин, адреналин ва бошқалар. Бошқа система ва органлардаги томир рефлекслари асосан босим ошганда хосил бўлади. Уларни тана сатхини қитиқлаш йўли билан хосил қилиш мумкин. Юқорида кўрсатилгандек, юрак ва томирлар фаолиятига нерв таъсиrlардан ташқари қондаги кимёвий моддалар ҳам таъсир этади. Буйрак усти безида хосил бўлган адреналин гормони юрак фаолиятини кучайтириб, томирларни торайтиради. Парасимпатик нервлар учida хосил бўлган ацетилхолин эса, томирларни кенгайтириб, юрак ишини секинлаштиради. Гуморал таъсиrlар қон айланишини нерв бошқарилиши билан чамбарчас боғлиқ. Кимёвий моддаларни қонга ажралиши ва уларни бир меъёрда қонда бўлиши нерв системаси орқали бошқарилади. Қон айланиш системасининг фаолияти организмни керакли миқдорда кислород ва озиқ моддалар билан таъминлаш, хужайралардан моддалар алмашинуви натижасида хосил бўлган моддаларни ажратиш ва қон босимни бир хил меъёрда сақлашдан иборат. Бу эса организмни гомеостазини таъминлашга имкон яратади. Болаларни ўсиш ва ривожланишига қараб, юрак-томир системасининг жисмоний юкламаларга нисбатан реакциялари ҳам ўзгаради. Мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш жараёнида юракнинг функционал ҳусусиятлари ортади. Натижада юракнинг иш қобилиятчанлиги ошади. Буни чиниқмаган болаларда

маҳсус функционал кузатишлар ва жисмоний меҳнат ва машқлар бажариш жараёнида кузатиш мумкин. Чиникган болаларда юракнинг минутлик ҳажми зарба ҳажми ҳисобига қопланади, чиниқмаган болаларда эса бу кўрсаткич асосан юрак уруш частотасини ошириш ҳисобига бажарилади. Бундан ташқари, чиникган болаларда гемодинамик кўрсаткичларнинг тикланиш даври чиниқмаганларга нисбатан анча қисқа бўлади. Бу фарқлар айниқса катта жисмоний юкламаларда аниқ қўринади. Статик юкламаларга юрактомир системасининг реакцияси бошкacha бўлади. Ўтириш ҳам актив холат ҳисобланади, бунда 250 га яқин мускуллар таранг холатини сақлаб туради. Статик юкламалар таъсирида ҳам максимал, ҳам минимал артериал босим ошади. Бундай реакциялар ҳамма ёшдаги ўқувчиларда кузатилади. Ўқув йилининг бошида гемодинамик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар ўқув йилининг охирига нисбатан пастроқ бўлади. Узоқ вақт давомида ўқувчиларнинг статик таранглик холати артериолаларда спазм хосил бўлишига олиб келади, бу эса умумий артериал босимни кўтаради ўқиши жараёнида харакат активлигини ошириш ўқувчиларда юрак томир системасини фаолиятини сақлашга қаратилган профилактика чораларига киради.

### **I. 3. Ўқувчиларнинг нафас олиш системасининг ҳусусиятлари**

Нафас олиш организмнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, организмга кислород киришини, шунингдек, организмдан моддалар алмашинувининг охирги маҳсулоти бўлган карбонат ангидрид гази ва бошқа баъзи бирикмалар чиқарилишини таъминлайдиган жараёнлар йиғиндисидан иборат. Нафас олиш қўйидаги жараёнлардан иборат: 1) ташқи нафас олиш-ташқи муҳит ва ўпкалар ўртасидаги газ алмашинуви-ўпка вентиляцияси: 2) альвеолар ва қон билан газ алмашинуви-ўпка нафас олиши: 3) газларни қон орқали ташилиши-газлар транспорти: 4) тўқималарда газ алмашинуви: 5) ички ёки тўқима орқали нафас олиш. Тўқима орқали нафас олиш тўқима ҳужайраларининг кислород истеъмол қилишига асосланади ва бу оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, моддалар алмашинувининг охирги маҳсулоти ҳосил бўлиши ва физиологик функциялар амалга ошиши учун фойдаланадиган энергия ажратиш билан ўтади. Бу жараёнларнинг бирортаси бузилса инсон ҳаёти учун ҳавф тўғилади.

Ташқи нафас олиш газлар алмашинуви учун мослашган органларда амалга ошади, улар оғиз бўшлиғи, халқум, хиқилдоқ, трахея, бронхлар ва ўпкадан ташкил топган.

Нафас олиш йўлларининг бошланғич бўлимии бурун бўшлиғи ҳисобланади. Бола 10-14 ёшга етгунча бурунининг шакли ўзгаради ва ўлчами катталашади. Бурун бўшлиғида унинг ён юзларида тўрттадан чиганоқ: энг юқориги, юқориги, ўрта ва пастки жойлашган. Энг юқориги чиганоқ аста-секин йўқолади, катта одамда уларнинг сони учта бўлади. Чиганоқнинг орасида йўллар бор. Болаларда улар иккита: юқори ва ўрта йўллар. 9 ёшга келиб учинчи – пастки йўл, 8-9 ёшларга келиб гаймор бўшлиқлари ва пешона бўшлиғи, 6 дан 12 ёшгача асосий қўшимча бўшлиқлар ривожланади.

Бурун бўшлиғи киприкчалик эпителийдан ташкил топган шиллиқ парда билан қопланган. Ҳамма киприкчаларнинг ҳаракати қатъий мувофиқлашган: улар бурун-халқумга томон тебраниб, бурун шиллиқ пардаси ишлаб чиқарадиган бурун шилимшиғини доимо унга итараётгандек ҳаракатланади.

Бурун – халқум бурун бўшлиғининг давоми ҳисобланади. Бурун- халқумни ўрта қулокнинг ногора бўшлиғи билан туташтириб турадиган Евстахий найи тешиги бурун – халқумга очилади. Қулоқ ичидаги босим унинг ёрдамида идора қилинади. Бурун – халқумда халқумга кириш соҳасида бодомча безлари жойлашган. Улар организмни касаллик кўзғатувчи микроорганизмлардан ҳимоя қилишда ва иммунитет ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Болаларда бодомча безлари нисбатан тез ривожланади ва тўрт ёшга келиб ниҳоясига етади.

Бурун – халқум пастга давом этиб, хиқилдоқقا ўтади. У ҳаракатчан бириккан тоғайлардан иборат, энг каттаси калқонсимон тоғай дейилади. Унинг юқорисида хиқилдоқ

устида қопқоғи ва чўмичсимон тоғайлар, қуйирокда узуксимон тоғай ётади. Хиқилдоқ усти қопқоғи овқат ютиш вактида хиқилдоққа кириш қисмини беркитиб туради.

Хиқилдоқнинг ичи шиллиқ парда билан қопланган бўлиб бу қисми иккита бурма ҳосил қиласди. Бунинг биттаси товуш пайлари тагида бўлиб, товуш бурмалари дейилса, иккинчиси – қоринча бурмаси дейилади. Янги туғилган чақалоқда хиқилдоқ узунрок, бироз юқорида бўлади. У балоғат даврида тез ўсади, товуш пайлари узунлашади. Товуш бурмалари билан қўшни бўлган ҳамма органлар ва тўқималар ўзаро боғлиқ ва сўзлашув нутқида тил, лаблар, тишлар, танглай ва резонаторлар сифатида халқум, бурун-халқум, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва унинг бурун бўшлиқлари, трахея иштирок этади. Аёлларда товуш бойламларининг узунлиги ҳисобда 18-20 мм, эркакларда 20-22 мм бўлади.

Бола улгайган сари товуши ўзгаради ва балоғатга етиш даврида бу айниқса сезиларли бўлади. Бу ўзгаришлар мутациялар дейилади ва қиз болаларда, одатда, тинч ўтади, товушдаги ўзгаришлар сезиларли бўлмайди. Чунки қиз болаларда хиқилдоқ учдан бир қисмга, ўғил болаларда эса деярли икки баробарга катталашади. Шунга яраша товуш бурмалари ҳам ўзгаради. Мутация даври 1,5-2 йил давом этади, кейин товуш ўзига хос бўлиб шаклланади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда товуш бойламлар калта ва товуш ёриғи тор бўлади, 12 ёшга келиб у катта одамдаги каби бўлади. Қиз бола ва ўғил болаларда хиқилдоқнинг жинсга оид фарқи уч ёшга етгандаёқ пайдо бўлади ва 15 ёшда эркак хиқилдоғи белгилари шаклланиб бўлади.

Хиқилдоқ трахеяга томон давом этиб, трахея бўйин олдинги юзаси бўйлаб ўтади ва бешинчи -олтинчи кўқрак умуртқаси сатҳида иккита бронхга бўлинади. У парда билан бириккан тоғай ярим халқаларидан иборат. Трахея ва бронхлар икки томондан киприкли эпителий билан қопланган, у юқорида жойлашган ҳаво ўтказувчи йўлларда қандай функцияни бажарса, шундай функцияни бажаради. Бу органлар маҳсус секрет ишлаб чиқаради, у химоя функциясига эга, таркибида антивирус ва антибактериал моддалар бўлади. Бу моддаларнинг микдори камайганда инфекция ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади.

Бронхлар ўпка тўқимасига киради. Ҳар бир ўпка сероз парда- плевра билан қопланган, у ўпка илдизи соҳасида кўқрак бўшлигининг ички юзасига ўтиб, плевра ҳалтасини хосил қиласди. Унда сероз суюқлиги бўлади, ҳаво мутлако булмайди. Чап ва ўнг ўпкадаги ёриклар ўпкани бўлакларга бўлиб туради, натижада чап ўпка учта, ўнг ўпка эса иккита бўлакдан иборат бўлади.

Хар бир бўлакда бронхлар, нервлар, артерияларнинг ўз тармоқлари бўлади ва бошқа майда структура тузилмалари: сегмент ва бўлакчалардан ташкил топган. Сегментлар ўз навбатида бундан ҳам майда бўлакчалардан тузилган. Ҳар бир ўпкада уларнинг сони саккиз юзтага етади. Бўлакчаларда бронх янада тармоқланиб кетади. Бронхлардан майда альвеоляр йўллар чиқади, улар микроскопик юпқа деворли пулфакчалар уюмлари билан қопланган бўлиб, газлар алмашинуви шулар ёрдамида амалга ошади. Альвеолалар девори жуда юпқа, уларга қон томирлар бўйлаб карбонат ангидрид газига тўйинган вена қони доим оқиб келади. Альвеоляр капилярлар мембрanasи орқали альвеолалалардаги кислароднинг қондаги корбонат ангидрид гази билан алмашинуви рўй беради. Нафас олишда альвеолаларнинг газ таркиби янгиланади, нафас чиқаришда эса улардан корбанат ангидридга тўйинган хаво чиқиб кетади. Альвиолалардан қонга эритроцитлар гемоглабини томонидан шимиладиган кислород ўтади.

Болалар ўпкасининг ривожланишида миқдор ва сифат ўзгаришлари кузатилади. Ўпканинг альвеоляр ҳажми катталашади, тоғайсиз бронхлар- бронхиолалар ўсади. 6-7 ёшга келиб, уларнинг массаси 8 марта, 13-14 ёшга келиб 10 марта ортади.

Нафас олиш вақтида барча альвиолалар ҳам атмосфера ҳавоси билан тўлиқ тўйинавермайди. Альвиолаларнинг бир қисмигина тўйиниб, қолганлари организм жисмоний юкламада фойдаланадиган функционал резервни ташкил этади. Тинч холатда одам минутига таҳминан 16 марта нафас олади, нафас олинадиган ва нафас орқали чиқариладиган ҳаво ҳажми 6-9 л ни ташкил қиласди.

Ўпканинг функционал ҳолатини баҳолаш учун ўпканинг тириклик сифими тушунчасидан фойдаланилади. Унга олдин максимал нафас олингандан кейин максимал нафас чиқарилгандаги ҳаво ҳажми кўрсаткичлари киради. Бу эркакларда 3,5-5 л, аёлларда 3,5-4 л, ташкил этади. Болаларда ўпканинг тириклик сифими 3-4 ёшдан бошлаб белгиланади ва 6-7 ёшда, кейин 15-16 ёшда сезиларли ўзгаришлар рўй беради. 6-7 ёшда ўпканинг тириклик сифими 1200-1400 см<sup>3</sup>, 11-12 ёшда 2000-2200 см<sup>3</sup>, 15-16 ёшда 3200-4200 см<sup>3</sup> ни ташкил қиласди [15-31].

Мунтазам бажариладиган жисмоний машқлар ўпка ҳажмининг кенгайишига, нафас олиш мускуларининг ривожланишига имкон беради, ўпка вентиляциясини яхшилайди, нафас олиш фаолияти эса ўз навбатида юрак томир системаси фукциясига ва бошқа органлар фаолиятига ижобий таъсир этади.

Нафас олиш гимнастикаси ва турли жисмоний машқлар қўйкрак қафаси мускуларини ҳаракатини ривожлантиради. Бунинг учун спортнинг сузиш, эшкак эшиш, конъкида учуш ва конъкида юриш турлари билан шўғилланиш мақсадга мувофиқдир.

Нафас олиш ва нафас чиқаришнинг ритм билан алмашиниши орқа миянинг бўйин ва кўкрак бўлимларида, узунчоқ мияда ва Варолиев кўпригига жойлашган нерв марказлари таъминлайди. Улардан қовурғалараро мускулларга ва диафрагмага борадиган нерв импульслари чиқади.

Мускуллар қисқарганда қовурғалар кўтарилади ва бир мунча горизонтал ҳолатда бўлади, диафрагма гумбазсимон шаклга киради ва ҳажми кичрайиб қолади.

Узунчоқ миянинг нерв хужайралари қондаги кислород ва корбонат ангидрид гази миқдорига ниҳоятда сезувчан бўлади. Корбонат ангидрид гази миқдори ортиши натижасида унинг марказларида кузгалиш пайдо бўлади бу кузгалиш нерв толалари бўйлаб қовурғалараро мускулларга ва диафрагмага тарқалади. Натижада нафас олиш тезлашади ва чуқурлашади, организм керакли миқдорда кислород олади. Янги тугилган боланинг биринчи марта нафас олиши корбанат ангидрид тўпланиши ва кислород етишмаслиги билан изохланади.

Узунчоқ миянинг нафас олиш ва чиқариш марказлари автоматик равища ишлайди, бироқ уларнинг ишини одам онгли равища ўзга отириши мумкин. Бунга мазкур жараёнларда бош мия пустлоғи иштирок этиши натижасида эришилади.

Ёш болаларда нафас олиш маркази нафас олиш ритмини таъминлай олади, лекин унинг бу фаолияти катта болаларникига қараганда анча пастроқ бўлади, чунки бу марказнинг такомилланиши тугилгандан кейин ҳам давом этади. Ёш болалардаги нафас олиш ритми, частотаси, чуқурлигининг ўзгарувчанлиги бунга исбот бўлиши мумкин. Чақалоқларда нафас олиш марказининг кузгалувчанлиги паст бўлади.

Нафас олиш маркази функционал фаолиятини шаклланиши ёшга қараб ортади ва мактаб ёшига етганда катталарникига етиб қолади. Вояга этиш даврида ҳам нафас олишни бошқарилишида вақтинча бузилишлар кузатилади ва бу даврда ўсмирлар организми кислород етишмовчилигига анча чидамсиз бўлади. Бундай ўсиш ва ривожланиш давридаги кислородга бўлган эҳтиёж нафас аппаратининг бошқарилиши ва унинг тежамкорлиги ҳисобидан қопланади. Бош мия ярим шарлари ривожланиши билан бирга нафас олишни ихтиёрий равища ўзгартириш ҳолати ҳам ортади.

Катта одамларда жисмоний меҳнат жараёнида ўпка вентиляцияси нафас олиш тезлиги ва чуқурлиги ҳисобига ортади. Чиниқсан одамларда ўпкаларда газ алмашинуви нафас олиш чуқурлиги ҳисобига ортади. Болалар эса катта жисмоний юкламаларда нафас олиш чуқурлигини оширолмайди, уларда нафас олиш частотаси ошади. Буни эса ўпка вентиляцияси тўла таъминлай олмайди.

Ўсмирлар организми кислородни максимал ўзлаштириш даражасига катталарга нисбатан тез етади, лекин бу ҳолатни узоқ вақт ичida сақлай олмайди[31].

Хулоса қилиб айтганда, кардио-респиратор система кўрсаткичларининг ёш хусусияти боланинг ёшига қараб маҳсус адаптацион механизмларини шаклланиши ва такомилланиши билан белгиланади. Бу механизмлар организмнинг тинч ҳолати ва мускул фаолияти натижасида гомеостазини сақлашга қаратилган. Шунинг учун кардиореспиратор системасининг ёш хусусиятларини ўрганиш болаларни нормол ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда болаларни ҳаракат фаоллиги нормасини ишлаб чиқиш ҳозирги замон ёш физиологияси ва спорт педагогикасининг энг мураккаб муоммоларидан ҳисобланади.

#### **I.4. Нейро-эндокрин тизим ривожланишининг ёш хусусиятлари**

Одам организмида бошқарилишнинг иккита-нерв ва эндокрин механизми бўлади. Иккала механизми ўзаро қаттиқ боғланган ва битта нейроэндокрин бошқарилишни бажаради. Шу билан бирга марказий нерв системасининг ҳар хил даражадаги нейронлари унинг олий бўлими- бош мия пўстлоғи нейронларини ҳам ўзига қўшиб, эндокрин безлар функцияларини бошқаришда иштирок этади.

Нерв системаси ва эндокрин система нормал ўсиш ва ривожланишга актив таъсир этади. Нерв системасининг таъсири бола она қорнида ривожланаётганида, эмизиш даврида сезиларли бўлади. Эндокрин система ўсиш ва ривожланишга энг яқиндан туриб таъсир этади. Эндокрин система секин таъсир этиши билан нерв системаси таъсиридан фарқ қиласи, шунинг учун улар билан шартланган жараёнлар секин ўтади. Эндокрин тизимининг бу хусусияти кўп вақт оралиғида ривожланадиган шакл ҳосил қилиш ходисаларини бошқаришда асосий ўрин эгаллайди.

**Нерв системасининг аҳамияти:** буюк физиолог олим И.П.Павлов нерв системасини бажарадиган функциясига кўра иккига олий ва тубан функцияларга бўлган. Олий функция организмнинг ташки дунё билан алоқасини таъминлаб туради ҳамда унинг хулқ-авторини муҳит шароити билан боғланган ҳолда белгилайди. Тубан функция эса организмдаги барча тўқималар, хужайралар, орган ва системаларнинг ишини бошқариб боради. Нерв системасининг олий функцияси, олий нерв фаолияти томонидан амалга оширилиб, унда катта мия ярим шарлари ва пўстлоқ ости ядролари иштирок қиласи.

Одамларнинг олий нерв фаолияти барча ҳайвонларнидан анча юқори ва мураккаб бўлиб, барча психик фаолиятнинг материалистик асосини ташкил қиласди. Нерв системасининг тубан функцияси олий нерв фаолияти ва нерв-гумораль йўл билан бошқариб борилади. Нерв системаси умуман олганда бутун бир организмда моддалар алмашинуви жараёнини бошқариб, барча органлар ва системаларнинг тузилиши, ўсиши ва ривожланишини таъминлаб туради.

**Нерв системасининг ёшга боғлиқ ҳусусиятлари:** янги туғилган чақалоқ орқа миясининг вазни 3-4 г ва узунлиги 14-16 см бўлади. Бош мияси тахминан 400 г бўлади. Дастребки 3 йилда мия тўқималарининг жадал ўсиши кузатилади ва дастребки икки йил мобайнида ўшишда орқа мияни кейинга қолдиради. Кейинчалик орқа мия бош миядан тезроқ ўсади. Бош мия тез орада катта одам миясига яқин ўлчамларга эга бўлади. З ойликда унинг вазни икки баравар ошади, 3 ёшда уч баравар ошади ва 4 ёшда тахминан 1200 г га етади. Туғилган даврдан бошлаб катта бўлгунча (20 ёшга тўлгунча) орқа миянинг вазни 8 марта, бош мияники 4 марта ортади.

Узунчоқ мия ва қўприкча ядролари туғилиш вақтига келиб шаклланиб бўлади ва 7 ёшда уларнинг етилиши асосан тугалланади, мия бу бўлимларининг тузилиши катта одамнидан фарқ қилмайди.

Янги туғилган чақалоқнинг ўрта мияси ҳам тузилишига кўра катта одамнига ўхшайди. Калла суюги, мия нервларининг ядролари яхши ривожланган. Бошқа нерв марказларининг ядролари ҳам, ривожланиш жиҳатидан бир хил булмасада, мавжуд бўлади. Чунки, қизил ядро нейронлари пигментацияси 2 ёшдан бошланади ва 4 ёшга келиб тугалланади. Қора субстанцияники 3 ёшдан 16 ёшгача давом этади.

Мияча тузилмасининг шаклланиши туғилишдан кейин жуда тез боради. Бир ёшда унинг вазни тўрт марта ортади, 3 ёшда катта одам миячаси ўлчамларига мос келади ва 7-8 ёшга келиб, жадал ривожланиш жараёни тугалланади. Янги туғилган чақалоқда оралиқ мия ядроларининг каттагина қисми яхши ривожланган бўлади. Уларнинг ривожланиши ва табақаланиши 17 ёшгача давом этади.

Гипоталамус ядролари 3 ёшга бориб етилади. Базал ядролари дастребки икки йилда жадал ўсади ва бу вақт ичидаги улар тўқимасининг массаси икки баравар ортади.

Вегетатив нерв системасининг ривожланиши болада ҳаракат функцияларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб 12-14 ёшга келиб катта ёшли одамдаги даражага етади.

**Олий нерв фаолиятининг ёшга боғлиқ ҳусусиятлари:** катта яримшарлар пўстлоғининг хужайралари бола хаётининг дастребки давридаёқ ташқи сигналларни қабул қилишга ва организмнинг мослашиш фаолиятига бўлган ички имкониятларини сафарбар

қилишга қодир бўлади. Шундай доимий ўзаро алоқа асосида, айни вақтда нерв тўқимасининг ўсиши, нерв тузилмаларининг шаклланиши билан бирга уларнинг функцияси ривожланади ва реакцияларнинг тобора мураккаб шакллари пайдо бўлиб боради. Улар туғма рефлекслар, яъни бола туғилганда мавжуд бўлган рефлекслар негизида ҳосил бўлади. Уларнинг сони кўп эмас: овқат рефлекси, муҳофаза рефлекси, ушлаш рефлекси, йўтал рефлекси ва яшаб кетиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи бир рефлекслар шулар қаторига киради.

Ташқи олам сигналларини қабул қилиш ва анализ қилишни таъминлайдиган ва уларни организмнинг муайян жавоб реакцияси шаклида рўёбга чиқарадиган нерв механизмлари олий нерв фаолияти дейилади. Унинг белгилари марказий нерв системаси бўлган ҳамма организмларга ҳос ва улар туғма (шартсиз) ва ҳаёт жараёнида орттирилган (шартли) рефлекслар кўринишида рефлектор ҳусусиятга эга бўлади. Шартли рефлекслар-рағбат бўлмагандан йўқолиш эҳтимоли бўлган ёки зарурат бўлганда ҳосил бўла оладиган вақтинчалик алоқалардир.

Шартли рефлектор фаолият, ҳаракат ва образлар инсон онгининг мазмунини ташкил этадиган сўзлар билан алмаштирилиши мумкин бўлган иккинчи сигнал системаси билан чамбарчас боғлиқдир. Рефлектор фаолият одам хулқ-атворини мақсадга йўналтирилган, атроф-муҳитнинг объектив шароитига мувофиқ келадиган қилиб тарбиялади. Рефлекслар ривожланиши мос-лашувчи ҳусусиятга эга бўлиб, организмда таъсирларга ўхшаш реакцияларни таъминлайдиган нерв тузилмалари шаклланиб борган сайин аста-секин рўй беради.

Туғилишдан кейин хаётнинг дастлабки 4 ойида ҳосил бўладиган рефлекслар сони ғоят чегараланган бўлади ва улар жуда секинлик билан юзага келади. Бу чақалоқ болаларда бош мия пўстлоғи фаолиятининг етарли эмаслиги натижасида рўй беради. Хаётининг кейинги ойларида боланинг хулқ-атворида турли туман ўзгаришлар содир бўлади, ҳаракатлари бирмунча уй-ғунлашади, пўстлоқ ҳужайраларининг актив ҳолати бирмунча узоқ, вақтгача сақланиб қолади. Бола хаётининг биринчи йили охирига келиб, унда иккинчи сигнал системаси фаолияти намоён бўлади, у аста-секин мураккаблашиб боради. Буларнинг жами пўстлоқ ва пўстлоқ ости нерв марказлари тузилмаларининг ривожланганидан ва такомиллашганидан, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсиридан далолат беради.

Ўрта мия функцияларининг ривожланиши ҳаракат реакцияларининг ўзгаришида ва мураккаблашувида намоён бўлади. Бола хаётининг биринчи йили мобайнида айланиш, эмаклаш, юриш, ўтириш, ўрнидан туришни ўрганади. Булар беихтиёр ҳаракатларни бажариш имкониятларининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Боланинг жадал ўсиши барча тўқималари ва органларига озиқ ва физиологик актив моддалар, кислород етказиб берилиши ва метаболизм маҳсулотларининг чиқариб ташланиши билан таъминланади. Бу кўп жиҳатдан қон айланиши, нафас олниш, овқат ҳазм қилиш, айириш, иссиқлик алмашинувини идора қиласидиган узунчоқ мия ва кўприкча, оралиқ мия нерв марказларининг иши билан боғлиқ бўлади. Мияча рефлектор фаолиятининг ривожланиши марказий нерв системаси бошқа бўлимларининг ривожланганлиги билан узвий боғлиқ.

Бола хаётининг учинчи йилида кўп сонли мураккаб шартли рефлекслар тез ва осон хосил бўлади, таянч-ҳаракатланиш аппарати жадал ривожланади, «бу нима?» деган тадқиқот рефлекси жуда тез авж олиб боради ва луғат фонди энди таҳминан 700 сўзни ташкил этади. Болаларнинг бедорлик даври 10 соатга етсада, пўстлоғининг нерв ҳужайралари тез чарчаб қолади. Кейинги уч йилда марказий нерв системасининг ривожланиши давом этади.

Пўстлоқнинг аналитик-синтетик фаолияти турли-туман бўлиб қолади, нерв структуралари ривожланади ва такомиллашади, шунингдек, тарбия натижаси ўлароқ ички тормозланиш пайдо бўлади. Болалар она тилини яхши эгаллаб, тилнинг грамматик тузилишини муваффақиятли равишда билиб боради. Бола нутқ ўрганадиган энг қулай давр 2 ёшдан 5 ёшгacha бўлиши адабиётларда яхши тасвирланган. Шуниси ҳарактерлики, 5-6 ёшдан кейин луғат фондини эгаллаш жуда қийинлашади, нутқ эса ривожланмай қолиши мумкин.

Мактаб ёшига келиб, нерв жараёнларининг кучи, вазминлиги ва серҳаракатлиги муайян даражада ривожланади. Ички тормозланишнинг салмоғи талайгина даражада ортади ва бола ўз хатти-харакатларини назорат қила бориши ташқи томондан кўриниб туради. Бола ҳамма нарсани билиб ва ўрганиб олишга жуда қизиқади. Нутқи ривожланиб боради ва унинг сўз бой-лиги тез ортиб боради. Сўзнинг аҳамияти бирмунча кучаядн ва умумлаштирувчи функцияни касб этади. Бундай вақтда болалар мавхум тушунчалардан фойдалана бошлайди ва ўқиши ҳамда ёзиши ўрганиш олдидан сўзларнинг абстрактлайдиган хоссалари янада ошади. Сўз билан фикрлашнинг аҳамияти ортади, ички нутқнинг бошланғич шакллари пайдо бўлади. Бу даврда болаларнинг қизиқувчанлигини уларга тушунарли тарзда қондириш, уларнинг турли ўйинларида қатнашиш, доимий мулоқотда бўлиш уларнинг ривожланишига имкон беради.

Кичик мактаб ёши даврида 11 ёшгacha олий нерв фаолияти ривожланишда давом этади. Бу марказий нерв системаси структураларининг такомиллашуви, бош мия пўстлоғида ассоциатив алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Диққатни беихтиёр жамлаш қобилияти кучайиб боради. 7 ёшдан 14 ёшгacha хис-ҳаяжон ва инстинкт устидан

кортикал назорат бирмунча кучаяди. Бу бош мия фаолиятига жуда катта таъсир кўрсатадиган пубертат олди ва пубертат давридир. Бу даврда йигитлар ва қизлар ўртасида ўзаро соғлом ва юксак маънавий муносабатларни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишларнинг аҳамияти нихоятда ортади.

Бу даврда бола нерв системасининг типи, хулқ-атвор стереотипи, хулқ-атвори, одатлари, узил-кесил шаклланиб бўлади. Бу ёшда юксак жисмоний ва ақлий зўриқиши нерв системасининг нормал қўзғалувчанлигини бузади, болалар олий нерв фаолиятининг турли-туман бузилишига сабаб бўлади. Буларнинг олдини олиш учун боланинг кундалик режимга амал қилиши, унинг ўқиш ва жисмоний тарбиядаги ҳамма вазифалари организмнинг функционал имкониятларига мос келиши ва ҳаракат активлигини таъминлайдиган эҳтиёжлари етарли даражада қониқтирилиши керак.

Ўрта мактаб ёшида 16 ёшгача қўзғалиш жараёнларининг кучайиши кузатилади. Бу оёқ-кўллар, гавда, бошни ортиқча ҳаракатлантиришда кўринади. Жавоб реакцияларининг кучи ва шакли аксарият уларни қўзғатувчи таъсирлантирувчиларга мувофиқ, келмайди ва одатда, уларнинг даражасидан ортиб кетади.

Бош мия олий бўлимлари тонусининг вақтинча пасайиб кетиши натижасида сўз соҳасида шартли рефлекслар ҳосил бўлишида қийинчиликлар кузатилади. Нутқ ихчам, стереотип ва қисқа бўлиб қолади. Айни вақтда хулқ-атворда таъсирчанликнинг ошиши қайд қилинади ва вегетатив рефлекслар: юрак уришининг тезлашуви, харсиллаш, бош айланиши бирмунча кучли намоён бўлади. Ўсмирларда теварак-атрофдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларига мос келмайдиган (ноадекват) реакциялар пайдо бўлади, кайфияти бирданига ўзгариб қолади, арзимаган нарсаларга жаҳли чиқади, хулқ-атвори айниб туради. Улар катта ёшдаги одамларга танқидий қўз билан қарайди, салга хафа бўладиган, гап кўтара олмайдиган бўлиб қолади. Педа-гонинг мактаб ўқувчиси хулқига нотуғри баҳо бериши, унинг кунглини топа билмаслиги низоли шароит келтириб чиқаради, бу хол ўсмирнинг бегоналашиб, дарғазаб бўлишига олиб келади.

Педагог, ота-оналар ва теварак-атрофдаги одамларнинг хуш муомалалиги, ғамхўрлиги, хайриҳоҳлиги ва меҳрибонлиги мактаб ўқувчиси олий нерв фаолиятининг янада ривожланиши учун қулай шароит вужудга келишига имкон беради. Эркалатиб юбориш ва муросасозлик болани одобсиз қилиб қўяди ва феъл-атворининг айниб кетишига сабаб бўлади.

Катта ёшдаги мактаб ўқувчиларида 18 ёшгача организмнинг айрим функциялари барқарорлашади, шу жумладан, жинсий безларнинг етилиши кузатилади. Балоғатга етиш даври бошланади.

**Ички секреция безлари:** тирик организмдаги барча физиологик жараёнлар маҳсус биологик актив моддалар билан бошқарилиб, регуляция қилиб борилади. Бундай моддалар маҳсус органлар орқали доимий суратда конга ажралиб туради ва уларни гормонлар деб айтилади. (hormao-ҳаракатга келтираман, қўзғатаман). Гормонларни ажратиб чиқарувчи безларни ички секреция безлари ёки эндокрин безлар дейилади (indo ичкари, krinos-ажратаман) барча ички секреция безларидан маҳсус гормон чиқарилади. Барча гормонлар организимда функциялар координация қилинишида, бошқарилишида актив қатнашади. Ҳар бир гормон специфик таъсир этиш хусусиятига эга. Масалан, бир группа гормонлар айрим тўқима ва органларига таъсир этса, иккинчи бир хиллари моддалар алмашинувига, ферментларга таъсир этади. Гормонлар турли хил факторлар таъсирида жуда тез парчаланиб кетиш хусусиятига эгадир. Гормонларнинг бирон жараёнга таъсир қилиши бошқарилувчан хусусиятга эга. Масалан, гормон таъсиридаги ўзгариш маълум критик нуқтага борганидан кейин шу гормон ажралиши тўхтайди ёки шу жараёнга тормозловчи куч билан таъсир этувчи бошқа бир модда ажралиб чиқади. Барча эндокрин безлар фаолияти марказий нерв системаси томонидан бошқарилаб борилади. Ўз навбатида, ички системаси фаолиятига кучли таъсири ўсиш ва ривожланиш даврида кузатилади. Эмбрион ривожланишининг дастлабки давридаёқ унинг ўсиши она қорнидаги гормонлар таъсирида бўлади. Кейинги йилардаги маълумотларга қараганда она қорнида ривожланаётган бола организмида баъзи бир эндокрин безлар –гипофиз, қалқонсимон без ва буйрак усти безларининг пўстлоқ қисми шаклланган бўлади. Бола 5-6 ойлик бўлганида қалқонсимон без тез ривожланади ва ўзининг бошқа безлар орасида гегемонлигини 2-25 ёшгача сақлайди. Бола 6-7 ёшга кирганда гипофизнинг олдинги қисми шиддат билан ривожланади. Жинсий етуклиқ даврига келиб гегемонликни жинсий безлар олади.

Эндокрин безлар организмнинг турли қисмларида жойлашган ва хилма-хил марфологик структурага эга. Гормонлар юқори биологик активликка эга бўлган ва кам микдорда ҳам анча кучли физиологик эффект берадиган кимёвий бирикмалар хисобланади.

Гормонлар таъсири дистант характерли бўлади, яъни гормон таъсир кўрсатадиган органлар ва системалар одатда улар ҳосил бўладиган жойдан узокда жойлашади. Масалан: мия асосида жойлашган гипофизда тропгормонлар ишлаб чиқарилади, улар қалқонсимон, жинсий безлар, буйрак усти безларига таъсир этади.

Гормонлар таъсири қатъий специфик бўлади. Орган ва тўқималарнинг гормонларга реакцияси қатъий сфецифик бўлади ва бошқа биологик актив модда уни юзага келтира

олмайди. Масалан, ўсаётган ёш организмда гипофизни келиб ташлаш ўсишнинг тўхташига олиб келади. Бу ўсиш гормоннинг таъсирини йўқолиши билан боғлиқ. Гормонларнинг физиологик таъсири ҳам хилма-хил бўлиб, улар моддалар алмашинувига, тўқима ва органларнинг дифференциясига, ўсишга ва метаморфозига сезиларли таъсир кўрсатади. Гормонлар орган ва бутун организм функциялари шиддатини ўзгартириш қобилиятига эга бўлади. Гормонлар ўзларининг асосий функцияларини-алмашинув жараёнларига, ўсиш ва жинсий етилишга таъсирини марказий нерв системаси билан яқин боғланган ҳолда ва организмнинг фермент системаларига таъсир этиш билан амалга оширади. Гормонлар ферментларнинг синтезланиш шиддатини ўзгартириш, бир фермент системасини активлаштириш, иккинчи фермент системасини тўхтатиши мумкин.

Организмнинг тузилиши ва функциясига гормонларнинг таъсири тўқималарнинг фермент системасига бевосита таъсир килиш билан бир қаторда нерв системаси иштирокида бундан ҳам анча мураккаб йўллар орқали юзага чиқиши мумкин. Шу тариқа, гормонлар уларга специфик сезувчанликка эга бўлган интерорецепторларга таъсир этиши мумкин. Бундай рецепторлар ҳар хил қон томирлари деворида жойлашган. Бутун организм бўйлаб қон орқали ташиладиган гормонлар эффектор органларга икки хил йўл билан таъсир этилиши мумкин: бевосита, нерв механизмининг иштирокисиз ва нерв системаси орқали хеморецепторларнинг таъсирланиши рефлектор реакциянинг бошланиши бўлиб ҳизмат қиласи, бу нерв марказларининг функционал ҳолатини ўзгартиради. Гормонлар шу қаторда организмни функцияларини бошқаришда ва интеграциясида, ички ва ташқи муҳитнинг ўзгариш шароитларига организмни мосланишда (адаптация), организм ички муҳитнинг ўзгарган мувозанатини тиклашда иштирок этади. Шундай қилиб, организмда гормонларнинг асосий роли морфогенезга, алмашинув жараёнларига ва гемеостазга таъсир этиш билан, яъни организмнинг ички муҳитини, таркиб ва хоссаларини доимий сақлаш билан боғлиқ бўлади.

## **II.Иш бажариш жараёнида қўлланилган усуллар**

Кузатишларда Избоскан вилояти пойтуғ шаҳридаги 9-гимназия ва 8-мактаб интернатда тарбияланувчи ўкувчи қизлар иштирок этди. Бунда 25 нафар кичик мактаб ёшдаги, 30 нафар ўрта мактаб ёшидаги, 75 нафар юқори мактаб ёшидаги ўкувчи қизлар иштирок этди. Ҳар бир гурухда антропометрик (бўй узунлиги, тана массаси, кўкрак қафас айланаси) ва физиометрик (артериал қон босими, ўпканинг тириклик сифими, пульси) ўлчовлари ўрганилади ва ўзаро таққосланади.

### **II.1.Соматометрик кузатишлар**

Соматометрик кузатишларда асосан бўй, тана массаси, кўкрак қафаси айланаси аниқланади. Тана узунлиги организмдаги пластик жараёнлар ҳолатини ҳарактерловчи миқдор кўрсаткич ҳисобланади. Тана оғирлигига суюк-мушак аппарати, ички органлар ва ёғ тўқимасининг ривожланиши акс этган бўлади.

Бўйга нисбатан массаси ўзгарувчан бўлади. У қисқа вақт давом этган касаллик, нотўғри овқатланиш, иш тартибини ўзгариши таъсирида ўзгариш мумкин. Кўкрак қафаси айланаси эса кўкрак қафасининг сифими, кўкрак ва елка мушакларининг ривожланганлигини ҳамда кўкрак бўшлиғи аъзоларининг функционал ҳолатини ҳарактерлайди.

#### **II.1.1.Бўй узунлигини ўлчаш**

Бўй узунлигини ростомер ёрдамида ўлчанади. Ростомер урнатиб синалувчига унинг платформасига чиқиши таклиф қилинади. Болалар ва ўсмирлар ростмер платформаси устига чиқсан вақтида қўли пастга туширилган, тос камари ички кийимигача ечилган, оёқ кийимисиз ҳолда бўлиши керак. Шунингдек, ростмернинг сантиметрларга бўлинган устунига гавданинг учта нуқтаси: боши, кўкрак оралиғи ва оёқ товоnlари жуфт ҳолатда тегиб туриши зарур. Ростомер устунидаги сургични бошнинг юқори қисмига яхши теккунча суриб келинади. Сургич кўрсатган шкала синалувчининг бўй узунлиги бўлиб ҳисобланади.

#### **II.1.2. Тана массасини ўлчаш**

Тана оғирлигини ўлчашда синалувчи медицина тарозиси устига чиқишда аввал тос камаригача ички кийимигача ечилиш зарур. Аввал медицина тарозиси катта сургичи

орқали килограмм оғирлиги, кейин кичик сургичида грамм оғирлиги аниқланади. Ўлчаш аниқлиги 0,5 килограммгача.

### **П.1.3. Кўкрак қафаси айланаси узунлигини ўлчаш**

Тасмали сантиметр ёрдамида уч ҳолатда ўлчанади:

- а) тинч ҳолатда нафас олиш ва чиқариш:
- б) максимал нафас олганда :
- в) максимал нафас чиқарганда.

Тасмали сантиметрни текширилувчини қўлларини икки томонга кўтартириб, тасма тананинг орқа томонида кўкрак безини айланасини пастки чизигида жойлаштирилади. Дастреб тинч ҳолатда, яъни нафас олиш ва чиқариш оралиғида ўлчанади. Бунда текширилувчини сухбатга эътиборини тортиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тасмани олмай туриб максимал нафас олганда (бунда елкалар кўтарилилмаглиги ва мускуллар зўриқмаслиги керак) ва максимал нафас чиқарилганда (текширилувчининг танаси букчаймаслиги керак) ўлчанади.

Ўлчаш аниқлиги 0,5 см

## **П.2.Физиометрик кузатишлар**

Физиометрик кузатишларда асосан ўпканинг тириклик сифими, артериал босим, пульс аниқланади. Ўпканинг тириклик сифими ўпка сифими кўрсаткичи бўлиб, нафас олиш системасининг ҳолати, артериал босим ва пульс юрак-қон томир системасининг ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

### **П.2.1. Ўпканинг тириклик сифимини ўлчаш**

Ўпканинг тириклик сифими спирометр ёрдамида ўлчанади. Текширишдан аввал спирометрни жумраги спирт билан артилади. Текширилувчи тик ҳолатда аввал жуда чуқур нафас олади, бурнини қўл билан беркитиб спирометр жумрагига бир марта чуқур нафас чиқаради. Тана ҳолатини ўзгартирмаслиги керак. Сипиromетр шкаласи орқали ўпканинг тириклик сифими 100 миллилитр аниқликда ўлчанади.

### **П.2.2. Артериал қон босимини ўлчаш**

Қон босим Коротков усули билан ўлчанади. Бунинг учун сфигмоманометр ва фенендоскопдан фойдаланилади. Бу усулда қон босимини ўлчаш учун чап қўлининг елка қисмига маҳсус резина манжета ўраб, у манометр билан туташтирилади. Кейин бу манжета ичига резина нок орқали билак артериясида пульс йўқолгунча ҳаво юборилади. Кейин винтли клапан ёрдамида манжета ичидаги ҳаво аста-секин чиқарилади. Шу вақтда билакнинг тирсак букилишидан ўтадиган артериядаги товуш фонендоскоп билан эшитилади. Елка артериясини сиқиб турган резина манжета ичидаги босим камайиб маълум даражага етганда артериядан қон ўта бошлайди. Шу вақтда фонендоскоп орқали

товуш эшитилади. Аста-секин ҳаво чиқарила борилган сари товуш кучайиб, кейин пасайиб, охири эшитилмай қолади. Бу минимал (диастолик) босимни күрсатади.

### **П.2.3. Юрак қисқаришлар частотасини аниқлаш**

Синалувчининг кафт усти бўғинидан бироз юқорида билак артерияси устига кўрсаткич ва ўрта бармоқни қўйиб тинч ҳолатда пульсни 15 сония давомида саналади ва олинган натижа 4 га кўпайтирилиб бир минутдаги юрак урушлар сони аниқланади.

### **П.3 Бажарилган ишнинг ҳажми**

Кузатишларда Избоскан тумани Пойтуғ шаҳридаги 8-гимназия, 8-мактаб интернат ва мактаб ўқувчилари иштирок этди. Уларнинг ҳар бирида соматометрик ва физиометрик ўлчовлар олиб борилди. (Жадваллар 1,2)

Жадвал 1.

Кузатишлар жараёнида олинган соматометрик ўлчовларнинг ҳажми  
(тинч ҳолатда)

№	Синалувчилар	Бўй узунлиги	Тана оғирлиги	Кўкрак қафаси айланаси		
				Нафас оралиғида	Чуқур нафас олганда	Чуқур нафас чиқарганда
1	Кичик мактаб даври 1-синф 4-синф	11 14	11 14	11 14	11 14	11 14
2	Ўрта мактаб даври 5-синф 9-синф	15 15	15 15	15 15	15 15	15 15

3	Юқори мактаб даври 10-синф 11-синф	50 25	50 25	50 25	50 25	50 25
	Жами	120	120	120	120	120

Яъни тинч ҳолатда 600 сомотометрик ўлчов олинди.

## Жадвал 2.

### Физиометрик кузатишлар ҳажми (тинч ҳолатда)

№	Синалувчилар	Ўпканинг тириклиқ сиғими	Пульс Зарба/мин	Артериал қон босим	
				Макс	Мин
1	Кичик мактаб даври 1-синф 4-синф	11 14	11 14	11 14	11 14
2	Ўрта мактаб даври 5-синф 9-синф	15 15	15 15	15 15	15 15
3	Юқори мактаб даври 10-синф 11-синф	50 25	50 25	50 25	50 25
	Жами	120	120	120	120

Демак тинч ҳолатда 600 физиометрик ўлчов олинди.

Иш бажариш жараёнида 130 нафар турли ёшдаги мактаб ўқувчи қизларида жами 1200 сомотометрик ва физиометрик ўлчовлар олинди. Олинган натижалар Стъюдент-Фишер усули билан ҳисобланди ва тахлил қилинди.

## **Олинган натижалар таҳлили**

Ёш организмнинг асосий ҳусусияти унинг узликсиз равища ўсиб, ривожланишидир. Бу жараёнга ижтимоий муҳит омиллари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Болаларнинг асосий вақти мактаб даврига тўғри келади. Шу сабабли ўқувчи қизларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиш жараёнига мактаб кун тартиби, спорт ва жисмоний тарбия, овқатланиш рациони кучли таъсир ўтказади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, организмдаги тўқима ва органлар бир-бири билан марказий нерв системаси орқали боғланган ҳолда иш бажаради. Шунинг учун ҳар қандай нокулай шароит, касаллик айrim орган ва системанинг иш бажариш қобилиятини бузигина қолмасдан, бутун бир организм иш фаолиятини ўзгартиради. Ҳар бир касаллик вақтида айrim тўқима ва органлар кўпроқ заарланади. Соғлом одамнинг характерли ҳусусияти шундаки, у ташки муҳит шароити ўзгаришларига тез мослаша олади. Шу билан бирга жисмоний меҳнат қилиш фаолияти яхши бўлади. Лекин бир хил ёшдаги соғлом болаларнинг барчасини жисмоний ривожланиши, чиниқиши, ақлий ва меҳнат қобилияти бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Маълумки ўқиш фаолияти уч бир-бирига боғлиқ қисм, ақлий иш, статик тарангланиш ва динамик жисмоний иш бажаришдан иборат [2].

Гигиенистлар, физиологлар ва клинистларнинг кузатишларига биноан ўқишининг биринчи кунидан бошлаб то юқори синфни битиргунча ўқувчилар ҳаётида кўпроқ статик ҳолат бўлиб, ҳаракат фаолияти пасаяди. Кун тартибидаги статик ва динамик ишнинг шундай нисбати ўқувчилар саломатлигига таъсир этади. Турли мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўқув жараёнига мосланиш даврида нерв-психик ҳолати, актив гормонал системаларнинг фаолиятида таранглик кузатилади. Рефлектор ўзгаришлар нафас олиш, юрак-томир системасига ҳам таъсир этади. Натижада организмнинг химоя ва адаптация ҳусусиятлари пасаяди. Бу ўзгаришлар ўқув йили давомида ва юқори синфгача бўлиши мумкин. Бу боланинг морфологик ва психофизиологик кўрсаткичлари бўйича мактаб шароитига тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқувчиларнинг иш қобилиятчанлиги йилнинг иккинчи ярмига келиб анча пасаяди. Мактаб ўқувчи қизларини ўқув нагрузкаларига мосланишларига ўрганиш жараёнида турли функционал системаларни ҳолатидан ташқари, гормонал система ҳолатида ҳам

тарангланиш ҳосил бўлганлиги кузатилди. Шунинг учун турли ёшдаги мактаб ўқувчи қизларини ҳар томонлама ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга.

Кузатишларимиз турли ёшдаги мактаб ўқувчи қизларининг жисмоний ривожланиши билан бирга, уларнинг нафас олиш ва юрак-томир системаларининг фаолиятини ўрганишга бағишлиланган. Кузатишлар мактаб ўқувчи қизларида босқичмабосқич ўтказилганлиги ўқувчи қизларнинг организмининг ўқув жараёнига мосланиш динамикасини ўрганишга ёрдам беради. Ўқувчи қизларда морфо-функционал кўрсаткичлар кичик, ўрта, юқори синфларда кузатилди.

Организмнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик кўрсаткичларидан бири тана массаси ва узунлигидир. Тана узунлиги жисмоний ривожланишнинг айрим белгиларини асоси ҳисобланади. Тана массаси эса энг сезувчан параметрлардан бири бўлиб, турли касаллик ва овқатланишнинг бузилиши натижасида ўзгарувчан динамикага эга [17,20].

Турли ёшдаги мактаб ўқувчи қизларни тана узунлиги ва массасини ўлчаганимизда қуйидаги натижалар кузатилди.

Кичик мактаб ёшидаги 1-синф қизларининг ўртача бўй узунлиги  $115\pm1,0$  см.ни ташкил этди. Энг узун бўйлиси 120 см, энг пастли бўйлиси эса 110 смга teng бўлди.

Тўртинчи синф қизларининг ўртача бўй узунлиги 134 см, энг узун бўй 142 см. энг паст бўй 126 см.ни ташкил этди.

Ўрта мактаб ёшидаги 5-синф қизларининг ўртача бўй узунлиги  $136\pm0,7$  см.ни ташкил этди. Энг узун бўй 140 см, энг паст бўй 132 см.ни ташкил этди.

9-синф ўқув қизларини ўртача бўй узунлиги  $153\pm1,7$  см, энг узун бўй эса 160 см, паст бўй эса 140 см.ни ташкил этди.

Юқори мактаб ёшидаги 10-синф қизларининг ўртача бўй узунлиги  $156\pm0,8$  см, энг баланд бўй эса 167 см, энг паст бўй 146 см.ни ташкил этди.

11-синф ўқув қизларининг ўртача бўй узунлиги  $158\pm0,9$  см, энг узун бўй 166 см, энг паст бўй 150 см.ни ташкил этди.

Кичик мактаб ёшида ўқувчи қизларнинг бўй узунлиги ўртача 19 см.га, ўрта мактаб ёши даврида 17 см.га, юқори мактаб ёшида 2 см.га ўсгани аниқланди. Бу фарқлар статистик жиҳатдан муқаррар /Р 0,001/. Олиб борилган кузатишлардан шу маълумки, ўқувчи қизларнинг бўй узунлигини ортиши асосан кичик ва ўрта мактаб ёшига тўғри келар экан (жадвал 3, расм 1).


Жадвал 3  
Ўқувчи қизларнинг бўй узунлигининг ўртача кўрсаткичлари жадвали  
(см ҳисобида).

